БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 71 (7518)
26 МАРТ ЯКШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Партия ва ҳукуматимиз қарорига жавобан жамоат чорвачилигини янада ривожлантирамиз (1-нчи бет).

СССР Электр станциялар министрлигига қарашли Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (2-нчи бет).

Халқ маорифи масалалари юзасидан республика кенгаши (2-нчи бет).

Ер ҳайдаш ва чигит экиш агротехника қоидаларига тўла риоя қилинсин! (3-нчи бет).

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ: Ориф Юнус.—Мўл ҳосил йўли (3-нчи бет).

Т. А. Саримсоқов.—Машҳур математик олим (3-нчи бет).

Жанубий Қурия партизанларининг муваффақиятли жанг ҳаракатлари (4-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА: Х. Ёдгоров, Ш. Кузанбоев.—Суд раисининг янги найрангги (4-бет).

Жамоат чорвачилигининг янги муваффақиятлари учун

Большевиклар партияси ва совет ҳукумати мамлакатимизда социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, совет халқининг фаровон ҳаётини яна ҳам яшнатишга ҳаммавақт зўр ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Кеча «Қизил Ўзбекистон» газетасида СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани (1949—1951 йиллар)» қандай бажарилаётгани тўғрисидаги қарори э'лон қилинди.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг бу қарори партия ва ҳукуматимиз томонидан совет халқининг фаровонлигини янада ошириш йўлида қилинаётган сталинча ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Партия ва ҳукумат чорвачиликни ривожлантириш учйиллик плани ҳақидаги қарорида, колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини қисқа вақт ичида шундай ривожлантириш зарурки, бу—колхозларнинг фаровонлиги тобора кўпроқ ўсишига ёрдам берсин, аҳолининг гўшт, ёғ, сут ва сут маҳсулотларига тобора ортиб бораётган талабларини қондиришга, шунингдек енгил саноатнинг жун, тери ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларига тобора ортаётган эҳтиёжларини та'минлашга имконият туғдирсин, деб кўрсатган ва бу масалани қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партия ва давлатимизнинг марказий вазифаси деб уқдириб ўтган эдилар.

Ана шу тарихий қарорнинг чиқарилганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Халқ бахти, Ватанимизнинг гуллаб яшнаши йўлида қилинган сталинча ғамхўрликдан илҳомланган совет кишилари жамоат чорвачилигини ривожлантириш учун астойдил ишладилар. Колхоз ва совхозлар партия ва ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириб, чорва моллари ва паррандалар сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширдилар, янги чорвачилик фермаларини тузиш ва жамоатга қарашли молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилдилар.

Социалистик Ватанимизнинг колхоз ва совхозларида жамоат маҳсулдор чорвачилигининг 1949 йил ичида бу қадар ўсиши Совет давлати томонидан колхоз ва совхозларга берилган ғоят катта ёрдамнинг порлоқ самарасидир. Колхоз ва совхозларда партия ва ҳукуматимизнинг жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планида 1949 йил учун мўлжалланган вазифанинг муваффақиятли бажарилиши маҳаллий партия ва совет органлари томонидан колхоз ва совхозларда олиб борилган ташкилий ва сиёсий ишларнинг, колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари қилган фидокорона меҳнатнинг ёрқин самарасидир.

Шу блан бир вақтда СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети қайд қилганидек, ба'зи область, ўлка ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмадилар ва 1949 йилда энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан чорвачиликни ривожлантириш топшириқларининг бажарилишини та'минламадилар. Ўзбекистон ССРда ҳам худди шундай бўлди.

Республикамизда қора моллар, қўй ва эчкилар сони урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан кўпайди, албатта. Аммо Ўзбекистон жамоат чорвачилигини ривожлантириш планини йилдан-йилга бажармай келаётир. Фақат илғор колхозлар эришган муваффақиятлар ҳисобигагина чорва молларининг ба'зи турлари ўсмоқда. 1949 йилда жамоат чорвачилигини ривожлантириш плани бажарилмади.

Ўзбекистон ССР совхозларида (министри ўртоқ Муҳамаджонов) жамоат чорва моллари сони жуда секин ўсмоқда. Пахтакор ва ғаллакор совхозларда чорвачилик яхши ривожланмаган. Бу ҳол мазкур совхозларнинг бирёқлама ривожланаётганлигидан дарак беради. Республикамизнинг совхозларида маҳсулдор чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида кўрсатиб ўтилганидек, республикамизнинг колхоз ва совхозларида чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд шароитдан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётир, колхоз фермаларидаги чорва молларининг талон-торож қилинишига қарши етарли кураш олиб борилмаётир. Айниқса Тошкент, Бухоро ва Қашқадар'ё областьларида жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат плани ниҳоятда ёмон бажарилмоқда. Тошкент областининг колхозларида ўтган йили кўпгина чорва моллари, айниқса урғочи моллар нобуд қилинди. Урғочи моллар сони бу областьда кўпайиш ўрнига, аксинча илгариги йилдагидан камайиб кетди. Тошкент область партия ва совет ташкилотларк, биринчи галда область қишлоқ хўжалик бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Венгерский) чорвачиликни ривожлантиришдек энг муҳим иш блан етарли шуғулланмаётир.

Ҳозир республикамизда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда энг муҳим давр бўлган қўзилатиш кампанияси ўтказилмоқда. Аммо, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари раҳбарларининг, шунингдек Ўзбекистон қоракўлчилик трести ва айрим маҳаллий партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг айби блан қўзилатиш кампаниясини ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилмади. Самарқанд ва Бухоро областьларида қўзилатиш кампаниясига ниҳоятда ёмон раҳбарлик қилинмоқда. Бу областьларда ва шунингдек Сурхондар'ё областида қўзилатиш кампаниясига таллуқли муҳим масалалар ҳалигача кўриб чиқилган эмас. Сурхондар'ё ва Қашқадар'ё областьларининг колхозларида янги туғилган урғочи қоракўл қўзиларни насл учун қолдириш ўрнига сўйиш каби жиноий ҳолларга йўл қўйилмоқда. Масалан: Косон районидаги «Большевик» колхозида февраль ва март ойларида туғилган 200 қўзининг ҳаммаси, Термиз районидаги Ленин номли колхозда 70 қўзининг ҳаммаси сўйилган.

1950 йил жамоат чорвачилигини ривожлантиришда кескин бурилиш йили бўлмоғи керак. Республикамизнинг партия ва совет ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ва Совхозлар министрликлари ва унинг жойлардаги органлари колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш планининг сўзсиз бажарилишини та'минлашлари керак.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Мол сонини кўпайтиришнинг асосий манбаи жамоат чорва молларини урчитиб кўпайтиришдир. Урғочи молларнинг қисир қолишига ва молларнинг талон-торож қилинишига қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, 1950 йилда пичан ўришни ўтган йилгидан бир ярим-икки марта ошириш, бунинг учун ем-хашак экинлари экиш юзасидан давлат планини тўла бажариш лозим. Колхоз чорва фермаларида ем-хашак тайёрлашни ва оғир ишларни машиналаштириш керак.

Партия, совет ташкилотлари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети қарорини тўла амалга ошириш учун чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани кенгайтиришлари, Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонда жамоат чорвачилигини ривожлантириш колхоз ва совхозларда пахтачиликнинг яна ҳам юксалишига жуда катта ёрдам беришини колхозчилар ва совхоз ишчиларига пухта тушунтиришлари лозим.

Ҳеч шубҳа йўқки, республикамизнинг колхозчи деҳқонлари партия ва ҳукуматимизнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш тўғрисидаги топшириқларини шараф блан бажарадилар.

Қизилқумга илмий экспедиция

21 мартда Жанубий Қизилқумга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг катта илмий экспедицияси жўнаб кетди. Экспедиция составида ботаниклар, агрономлар, эмбриологлар, паразитологлар бор.

Биология фанлари кандидати В. А. Буригин бошлиқ экспедиция қатнашчилари яйловларда ем-хашакларни кўпайтириш устида иш олиб борадилар. Ўтган йили бу соҳада дастлабки тадбирлар кўрилган эди. Кузда тажриба тариқасида ўт уруғлари сепилди. Экспедиция қатнашчилари ана шу участкаларни ўрганадилар.

Шу блан бирга, «Қизилча», «Оёқ қудуқ» қоракўлчилик совхозлари районида тажриба тариқасида ўт уруғлари экилади ва ўрмонзорлар барпо этилади. Экспедиция олдида яйловларни серўт қилиш мақсадида, даштлардаги ўсимликларга та'сир қилиш йўлларини ўрганиш вазифаси ҳам туради.

Экспедиция ўз ишини кузгача давом этдиради. Экспедициянинг материаллари Қизилқум яйловларини тезроқ ва кўпроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

ФЗТ МАКТАБЛАРИГА ҚАБУЛ

Республиканинг шаҳар ва районларида бинокорлик фабрика-завод та'лими мактабларига ўқучилар қабул қилиш бошланди.

Андижонда ёғоч-қоғоз саноати корхоналарини монтаж қилалиган мутахассислар тайёрловчи, Фарғонада эса нефтьчи-бинокорлар тайёрловчи янги ФЗТ мактаби ташкил қилинади.

Партия ва ҳукуматимиз қарорига жавобан жамоат чорвачилигини янада ривожлантирамиз

Чоркесар чорвадорларининг янги мажбуриятлари

НАМАНГАН, 25 март. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 18 апрельда «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш уч йиллик плани (1949—1951 йиллар)» ҳақида чиқарган қарорининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг чиқарган қарори Наманган область чорвадорларини 1950 йилда чорвачиликни янада ривожлантириш йўлида ҳормай-толмай ишлашга руҳлантирди.

Поп район, Чоркесар қишлоғидаги йирик «Янги чорва» колхозининг а'золари партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорини радио орқали эшитдилар. Шу муносабат блан колхозчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда агитатор ўртоқ Р. Ҳайдаров чорвадорларга қарорнинг мазмунини тушунтириб берди.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу қароридан руҳланган илғор чўпон Йўлдошота Мўминов бундай деди:

— Мен қишлоқ хўжалик фанлари кандидати П. Ф. Кияткиннинг раҳбарлиги ва ёрдами остида «Ўзбекистон эчкилари»ни боқишнинг усулини яхши ўрганиб олдим. Чорва планларини ҳар йили ошириб бажариб келаман. Бу йил 404 бош «Ўзбекистон эчкилари»ни боқаётирман. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорига жавобан бу йил чорва планларини камида 120 процент бажаришга сўз бераман.

«Янги чорва» колхозида Йўлдошота Мўминов каби жуда кўп чорвачилик усталари, илғор ферма мудирлари ва тажрибали фельдшерлар бор. Чўпон Ҳудойқул Соҳибназаров ўтган йили 300 эчкидан 368 улоқ олиб, уларнинг ҳаммасини сақлаб қолди. Қурбонбой Олимбеков эса 18 биядан 17 қулун олди.

Поп районидаги «Қизил чорва» ва Янгиқўрғон районидаги Оржоникидзе номли колхозларнинг а'золари ҳам СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорига жавобан 1950 йил топшириқларини чорва молларининг барча турлари бўйича ошириб бажариш мажбуриятини олдилар.

Чорвачиликни ривожлантириш планини ҳамма колхозлар ҳам тўла бажарсин

УРГАНЧ, 25 март. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг қарорини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда эришилган муваффақиятларни якунлаш блан бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтмоқдалар. Янгиариқ районидаги «Майда миллат» колхозининг йилқичиси ўртоқ Худойберган Қурбонов бундай деди:

— Колхозимизда чорвачиликни ривожлантириш давлат плани йил сайин бажарилмоқда, молларимиз сони кўпаймоқда. Мен ўтган йили 12 биядан 12 қулун олдим. Йилқиларни урчитиб кўпайтиришимиз натижасида отларимиз ўтган йилги 48 тадан бу йил 53 тага етди. Аммо биз блан қўшни бўлган «Правда», Стаханов номли ва Сталин номли колхозларда йилқичиликни ривожлантириш плани бажарилмай келмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу колхозларда чорвачиликни, шу жумладан йилқичиликни ривожлантиришга етарли э'тибор қилинмаётир. Чорва моллари учун ўз вақтида ем-хашак тайёрланмайди. Биз колхозимизда чорвачиликни ривожлантириш 1950 йил планини тўла ва ошириб бажариш мажбуриятини олиш блан районимиздаги барча колхозларнинг ҳам ўз планларини тўла бажаришларини талаб қиламиз.

Шу райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлган йиғилишда колхоз раиси ўртоқ Эгамов қуйидагиларни айтди:

— Партия ва ҳукуматимизнинг ёрдами туфайли колхозимизда бешта чорвачилик фермасига эгамиз. Биз чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланмоқдамиз. Шунинг учун ҳам колхозимиз чорва молларининг барча турлари бўйича давлат планини ошириб бажармоқда.

Аммо шу колхоз блан бирхил шароитда бўлган қўшни Ленин номли, Калинин номли колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга етарли э'тибор берилмаётир. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланмаётганлиги натижасида бу колхозларда чорвачиликни ривожлантириш плани бажарилмай қолмоқда.

Шовот, Хева, Қўшкўпир районларидаги колхозларда ҳам партия ва ҳукуматнинг қарорини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Жамоат чорвачилигини ҳартарафлама юксалтирамиз

Партия ва ҳукуматимизнинг колхоз ва совхозларда жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани ҳақидаги қарорини изчиллик блан амалга ошираётган Калинин районининг илғор колхозлари катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Молотов қишлоқ советидаги генерал Собир Раҳимов номли колхозда жамоат чорвачилигини юксалтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида э'тибор берилмоқда. Колхоз 1949 йилда қора моллар сонини пландаги 105 ўрнига 177 тага етказди, қўйчилик, чўчқачилик ва чорва молларининг бошқа турлари ҳамда товуқчилик юзасидан белгиланган планни тўла ва ошириб бажарди.

Карл Маркс қишлоқ советидаги Ватутин номли колхозда қорамолчилик фермасидаги ишлар намунали йўлга қўйилган. Бу колхозда ем-хашак тайёрлаш ишлари машиналаштирилди. Сигир соғишни электрлаштириш тадбирлари кўрилаётир.

Лекин ба'зи колхозлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш планини ёмон бажараётирлар. Ворошилов қишлоқ советидаги «Шарқ ҳақиқати» колхозининг раҳбарлари (раиси Мирали Юсупов, ферма мудири Қодир Орипов ўртоқлар) чорва молларини яхши парвариш қилмай, уларни ўринсиз ҳаражат қилиб келмоқдалар. Ёш молларни парвариш қилиш ўзибўларчиликка ташланган. Козоқкенгсой қишлоқ советидаги «Победа Октября» колхозининг раиси Турғун Умаров, ферма мудири Рустамхўжа Қорахўжаев ўртоқлар жамоат чорвасини яхши сақлашга етарли э'тибор бермайдилар. Шунинг учун ҳам бу колхозда 1.200 дан ортиқ қўй нобуд бўлди. Бундай аҳволлар Охунбобоев қишлоқ советидаги «Мустаҳкамлаш», «Ленинизм», «Октябрь 16 йиллиги» колхозларида ҳам содир бўлди. Шунинг натижасида Калинин райони чорвачиликнинг асосий турлари бўйича планни бажармади.

Калинин районининг колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг янги қарорини чуқур муҳокама қилиб, чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги топшириқни тўла-тўкис бажариш тадбирларини белгиламоқдалар.

Ҳозир қўйларни қўзилатиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилди. Ҳарбир колхозда 5 тадан қўшимча одам ажратилди. Иссиқ жойлар тайёрланди. Етарли миқдорда туз, кепак, кунжара ва ем-хашак блан та'минланди.

Совет Иттифоқида

Карель-Фин ССРнинг ўнйиллиги олдидан

ПЕТРОЗАВОДСК, (ТАСС). Республика пойтахтидаги бадиий ҳаваскорлар коллективларининг Карель-Фин ССР ташкил этилган куннинг ўнйиллигига бағишланган кўриги бошланди.

Маданият уйлари, кутубхоналар, қироатхона ва клубларда карель-фин халқининг муваффақиятларини тасвирловчи китоб ва фото виставкалари очилди. Шаҳар ва қишлоқ лекторияларида: «Карель-Фин ССР урушдан кейинги сталинча бешйиллик даврида», «Карелиянинг ўрмон бойликлари ва улардан фойдаланиш», «Карель-фин халқининг маданияти ва сан'ати» деган темаларда лекциялар ўқилмоқда. Корхоналар, колхозлар, ёғоч тайёрлаш пунктларида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Майолди стахановча вахталар

Москвадаги Сталин номли автозаводда Майолди социалистик мусобақаси қизиб кетди. Кўпгина стахановчилар, бригада ва участка коллективлари меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Автотрактор саноатининг Василий Кокошко раҳбарлигидаги энг яхши темирчилар бригадаси мусобақага ҳаммадан олдин қўшилган бригадалардан биридир. Ёш темирчилар яқинда «Москвич» номли кичик литражли автомобильлар учун бир сменада 1.120 поковка тайёрлаб, катта рекорд қўйдилар. Бу эса тўрт смена нормасини ташкил этади.

Радиатор қисмларини йиғучи ёшлардан Карпенкова, Козлова, Исаева ва бошқа ёшлар нормадаги 12 деталь комплекти ўрнига Майолди кунларида 50 комплектдан тўплаш, фақат а'ло сифатли маҳсулот ишлаб, бир ой ичида 15 минг сўм маблағ тежаш мажбуриятини олдилар.

Ўртоқ Рикалин топшириқни 414 процент бажариб рекорд қўйди .(ТАСС).



Москвадаги «Красний Октябрь» фабрикасининг бригада бошлиқлари В. И. Санаев ва В. Д. Семеновлар кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги усулларини топганликлари учун уларга Сталин мукофоти лауреати унвони берилди. Суратда: Санаев ва Семенов ўртоқлар тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқдалар. В. Шаровский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

И. В. СТАЛИННИНГ «МАРКСИЗМ ВА МИЛЛИЙ-МУСТАМЛАКА МАСАЛАСИ» НОМЛИ АСАРИ ҚИРҒИЗ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

ФРУНЗЕ, (ТАСС). Қирғизистон Давлат нашриёти И. В. Сталиннинг «Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи» асарини қирғиз тилида нашр этди. Бу асар Қирғизистон К(б)П Марказий Комитетининг бир группа таржимонлари томонидан таржима қилинган.

Пахтачилик илғорларининг республика кенгаши

БОКУ, (ТАСС). Пахтачилик илғорларининг республика кенгаши очилди. Кенгашни Озарбайжон ССР Министрлар Совети ва Озарбайжон К(б)П Марказий Комитети чақирди. Озарбайжон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. Сеидов республика пахтакорларининг ўтган йилдаги иш якунлари ва 1950 йилдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Озарбайжон пахтакорлари ўтган йили об-ҳаво шароитининг ноқулай келишига қарамай, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 1948 йилдагидан кўра бирнеча ўн минг тонна ортиқ пахта топширдилар. Пахта ҳосили урушдан аввалдагига қараганда анча ортди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 1948 йилдагига нисбатан 3,7 центнер, 1940 йилдагига нисбатан эса 6,1 центнер ортди.

Кўкламда кўчат ўтқазиш

Украинанинг жанубий областьларида, Молдавия ССРда, Ставрополь ва Краснодар ўлкаларида кўчат ўтқазиш бошланди. Ўрта Осиё республикаларида ҳам кўчат ўтқазиш қизиб кетди.

СССР Ўрмон хўжалиги министрлигининг ТАСС мухбирига берган ма'лумотларига қараганда, бу йил кўчат ўтқазиш плани 1940 йилги топшириқдан бир ярим марта оргиқдир. Далаларни иҳота қилиб дарахт ўтқазишга катта э'тибор қилинмоқда. Белгороддан тортиб Дон дар'ёсигача 200 гектар ерга кўчат ўтқазилди.

Келгуси йилларда дарахт ўтқазиш учун қарийб 1 миллион гектар ер тайёрланади. Ўрмон хўжаликлари ва ўрмончилик станцияларида кўчатлар академик Т. Д. Лисенко усулига мувофиқ уя-уя қилиб ўтқазилади. Ўрмончилик хўжаликлари ва станцияларининг неча минглаб ходимлари курсларда кўчат ўтқазишнинг янги усулларини ўргандилар. (ТАСС).

Халқ демократияси мамлакатларида

ЭНДИЛИКДА ФАН ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ПЕКИН. Синьхуа агентлиги Нанкиндан билдиради:

Нанкиндаги олимлар ва илмий ходимлар ҳозирги вақтда ўз билимларини биринчи марта амалий суратда татбиқ этмоқдалар. Нанкин озод қилинганидан кейин геологларнинг бригадалари Цзянсу, Шаньдун ва Аньхуэй вилоятларига қидириш ишлари олиб бориш учун жўнаб кетаолдилар. Ҳукумат уларнинг бу ишлари учун керакли маблағларни бермоқда. Нанкин районида ўғит тайёрлаш учун бениҳоя қимматли бўлган калий моддалари топилди. Анхуэй вилоятининг шимолий қисмидаги тоғлик районларда нефть саноати учун керакли бентонит топилди.

Оғир саноат министрлиги раҳбарлиги остида ишлаётган бир тўда геологлар темир, мис, қўрғошин ва бошқа муҳим қазилма ма'данларни қидириб топиш учун Маньчжуриянинг айрим районларига жўнаб кетдилар. Геологларнинг яна бирнеча тўдалари мамлакатнинг илгари геологик жиҳатдан текшириш ўтказилмаган ички районларида қидирув ишлари олиб бормоқдалар.

Олимлар ва техниклар ҳозирги вақтда Нанкиннинг саноат корхоналарида ҳам муҳим роль ўйнамоқдалар. Улар кечки мактабларда ишчиларга лекция ўқимоқдалар ва ишлабчиқаришга доир масалаларни тушуниб олишда ишчиларга ёрдам бермоқдалар. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари қишлоқ жойларида бўлиб, ерни яхши ишлаш усулларини деҳқонларга ўргатмоқдалар.

Нанкин университетининг профессори Фань Цзянь-чунь «гоминдан усул идораси даврида олимлар ҳар йили ўз мажлисларини ўтказишдан бошқа ҳечқандай иш қилмаган эдилар» деди. Ҳозирги вақтда олимлар тадқиқот ишлари олиб бориш учун тегишли маблағларга эгадирлар ва ҳукуматдан хартарафлама ёрдам олиб турадилар. Эндиликда фан халққа хизмат қилмоқда ва шунинг учун ҳам тобора юксалмоқда.

ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

ПХЕНЬЯН. Кўпгина кон ва шахталарнинг коллективлари ва айрим ишчилар Қурия халқ-демократик республикасидаги илғор корхоналарнинг чақириғига қўшилиб, иккийиллик планни муддатидан илгари бажармоқдалар. «Минджу чосон» газетасининг билдиришига қараганда, Хванхе вилоятидаги Инюр конининг коллективи иккийиллик планни биринчи бўлиб 23 февральда бажарган. Гимхва кони иккийиллик планни 1 мартгача бажарди. Темир йўл машинистлари ўзларининг иккийиллик топшириқларини муваффақиятли суратда бажариш арафасида турибдилар.

ПОЛЬША ҚИШЛОҒИДА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРНИНГ БИРИНЧИ КЛУБИ

ВАРШАВА. Февраль ойида Опола шаҳрида давлат қишлоқ хўжалик имениеларининг округ дирекцияси ҳузурида рационализаторлар клуби очилди. Клуб 20 дан ортиқ новатор ва рационализаторни бирлаштиради. Буларнинг кўпчилиги трактор, чилар, темирчилар ва механиклардир. Гливицадаги политехника институти клубга ёрдам берадиган бўлди.

Клуб а'золари рационализаторлик тўғрисида бирнеча таклиф киргиздилар. Масалан, Ольшовадаги давлат қишлоқ хўжалик имениесининг механиги Стефан Пехачек ўрилган ҳосилни боғлайдиган машинани мукаммаллаштирди. «Червенка» имениесининг темирчиси Ян Гаш металл стол ясаб, уни ўриш машинасига ўрнатди. Бу стол шамол натижасида эгилиб қолган ғаллани йиғиб олишга имкон беради.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ТАНКЧИЛАР КУНИ

ПРАГА. 1945 йил 24 мартда Моравска Острава совет танкчилари томонидан озод қилинган эди. Чехословакия жамоатчилиги ва Чехословакия армияси жангчиларининг истагига мувофиқ, 1950 йилдан бошлаб 24 март куни Чехословакия Танкчилари куни деб ҳисобланади ва ҳар йили байрам қилинади.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Румонияда халқ-демократик идора усули ўрнатилган пайтдан буён 950 мингга яқин киши саводини чиқарди. Шу ўқув йилида саводсизликни тугатиш мактаблари 27.800 тага етказилди, бу мактабларда ўқучилар сони 433.800 кишига етди.

☆ ☆ ☆

Варшавада озодлик ва демократия учун курашучилар Польша союзи бош бошқармасининг пленуми бўлди. Пленум гитлерчиларнинг Бухенвальд қамоқ лагеридаги маҳбуслар озод қилинганига беш йил тўлган кунни, я'ни 16 апрельни Озодлик, тинчлик ва демократия учун курашучиларнинг халқаро ҳамкорлик куни деб ўтказишга қарор қилди.

24 март. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Электр станциялар министрлигига қарашли Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг ходимларини орден ва медальлар билан мукофотлаш тўғрисида *)

Фарҳод гидроэлектростанциясини қуриш ва ишга тушириш юзасидан ҳукуматнинг топшириғини муваффақиятли бажарганликлари учун **мукофотлансинлар:**

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. **Абдиева** София—бетончи.
2. **Абдуллаев** Абдуманнон — 2-нчи «Далварзин» совхозининг бригада бошлиғи.
3. **Абдураззоқов** Раим—слесарь.
4. **Абдурахмонов** Жўрахон—ер қазувчи.
5. **Абдуллаева** Меҳрихон—Ўзбек давлат филармониясининг артисти.
6. **Обидов** Ҳамид — бетончи.
7. **Алферев** Николай Иванович —Хилъково станциясининг собиқ бошлиғи.
8. **Ананко** Андрей Захарович — «Средазуголь»га қарашли Ильич номли заводнинг токари.
9. **Орипов** Мирзақосим — бетончи.
10. **Асқаров** Қўчқор — Олтинкўл район.идаги Сталин номли колхознинг а'зоси.
11. **Асқаров** Холмат — гидротурбина машинисти.
12. **Отақулов** Усмон — паровоз машинистининг ёрдамчиси.
13. **Охунжонов** Усмон — Ўзбекистон ЛКСМ Бекобод шаҳар комитетининг секретари.
14. **Охундий** Насрулла — об'ект бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари.
15. **Бабун** Нина Николаевна — «Фарҳодстрой» хотин-қизлар кенгашининг раиси.
16. **Бадалбоев** Узгенбой — Андижон районидаги Молотов номли колхознинг а'зоси.
17. **Батраков** Дмитрий Сергеевич — лойиҳа бўлимининг инженери.
18. **Бундин** Илья Иванович —Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли чўян қуйиш заводи қозончилар бригадасининг бошлиғи.
19. **Бурцев** Владимир Иванович — «Средазгидромонтаж» йиғувчилар бригадасининг бошлиғи.
20. **Буточников** Иван Егорович — Тошкентдаги «Электрокабель» заводи цех бўлимининг бошлиғи.
21. **Ваевский** Владимир Александрович — бош тўғоннинг бош механиги.
22. **Ғозиев** Абдурашид — Ленин районидаги Фрунзе номли колхознинг раиси.
23. **Ғаффоров** Саттор — шофер.
24. **Гинатулин** Раҳматулла —Хилъково цемент заводининг старший цемент пишириучиси.
25. **Деҳқонов** Ғаффор — пармаловчи.
26. **Жабборов** Қурбонали — пармаловчи.
27. **Жўраев** Юсуф—гидротурбина машинисти.
28. **Дзю Банзур** — прораб.
29. **Донаев** Отинжон — мастер.
30. **Дриндин** Анисим Иванович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли «Электрошчит» заводининг слесари.
31. **Эрматов** Абдулла — Булунғур районидаги «Деҳқон бирлашуви» колхозининг а'зоси.
32. **Ермилов** Иван Павлович — 2-нчи «Далварзин» совхозининг бўлим бошлиғи.
33. **Жданова** Татьяна Сергеевна — инспектор.
34. **Зарипов** Болта — ер қазувчи.
35. **Зарипов** Тўйчи — автопарк слесари.
36. **Зиёдуллаева** Жумагул — ер қазувчи.
37. **Златомрежев** Евгений Аркадьевич— Электр станциялар министрлигига қарашли «Главгидроэнергострой» бўлим бошлиғининг ўринбосари.
38. **Зуҳурхўжаева** Мавжуда — Тошкент шаҳридаги тикувчилик-ҳунармандчилик союзига қарашли «Одежда» артелининг мастери.
39. **Иерс** Николай Янович — «Чирчиқстрой» трестига қарашли монтаж бошқармасининг прораби.
40. **Эрматов** Маҳмуд — 2-нчи «Далварзин» совхозининг звено бошлиғи.
41. **Исматуллаев** Қудрат — Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли чўян қуйиш заводининг ваграншиги.
42. **Эшмуҳаммедов** Қурбон — автопарк темирчиси.
43. **Камина** Екатерина Иосифовна — «Узбекэнерго»нинг старший инженери.
44. **Қорабоев** Эшим — Тошкент районидаги Молотов номли колхознинг а'зоси.
45. **Каттабоев** Аббос — ҳурадгор.
46. **Қайюмов** Шариф —Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Академик театрининг артисти.
47. **Келдюшев** Павел Михайлович — қурилиш фото-лабораториясининг мудири.
48. **Кичкин** Георгий Емельянович — «Чирчиқстрой» трести темир йўл хўжалиги экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи.
49. **Коваленко** Василий Евгеньевич — гараж бошлиғи.
50. **Козярский** Юрий Константинович— «Чирчиқстрой» трести монтаж бошқармасининг бош инженери.
51. **Кожевников** Семен Иванович — старший электр монтёр.
52. **Колесник** Сергей Андреевич — «Чирчиқстрой» трести йўл хўжалигига қарашли вагон-ремонт устахонасининг бошлиғи.
53. **Колесников** Дмитрий Федорович — шофер.
54. **Коневский** Михаил Рувимович — экскаватор машинисти.
55. **Коновалов** Николай Семенович — Каганович номли паровоз-ремонт заводининг қозончиси.
56. **Кононихин** Филипп Климентьевич — прораб.
57. **Копитов** Вениамин Михайлович— «Чирчиқстрой» трести монтаж бошқармасининг слесари.
58. **Корнаков** Геннадий Алексеевич— ускуна бўлимининг бошлиғи.
59. **Котин** Степан Тимофеевич — механик.
60. **Кукарин** Василий Иванович — «Средазгидромонтаж» металл конструкцияларини йиғувчилар бригадасининг бошлиғи.
61. **Кулик** Лев Иванович—Авторемонт ишхонасининг бошлиғи.
62. **Курбонов** Фозил—юк ортувчи.
63. **Кутамов** Вали — ҳурадгор.
64. **Леонтьев** Виктор Александрович— алоқа бўлимига қарашли қувув-техника узелининг бошлиғи.
65. **Ляшенко** Сергей Васильевич—ҳурадгор.
66. **Мавлонова** Карим — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг тикувчиси.
67. **Маматов** Саид — моторист.
68. **Мамаюсупов** Мелибой—Наманган область, Поп районидаги «Сирдарё» колхозининг бригада бошлиғи.
69. **Манибзов** Мамасодиқ—пармаловчи.
70. **Маркина** Лидия Яковлевна — кранчи.
71. **Марфин** Николай Иванович — Фарҳод ГЭС машина цехининг старший мастери.
72. **Маханько** Константин Иосифович — «Чирчиқсельмаш» заводи қувув цехининг мастери.
73. **Маҳкамов** Иброҳим—бетончи.
74. **Маҳмудов** Бобожон—Ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи.
75. **Мирочник** Лидия Григорьевна — касалхона бош врачи.
76. **Михеев** Иван Григорьевич — экскаватор паркининг слесари.
77. **Морозов** Яков Ксенофонтович — ҳурадгор.
78. **Напольний** Анатолий Спиридонович — Тошкент темир йўли Тошкент бўлими эксплоатация қисмининг бошлиғи.
79. **Нечаев** Василий Антонович — мастер.
80. **Николотов** Петр Григорьевич — ҳурадгор.
81. **Норов** Ҳасан—бетончи.
82. **Нурматов** Олимжон—пармаловчи.
83. **Нурматов** Алишер—ер қазувчи.
84. **Петросов** Вагаршак Данилович — «Узбекэнерго» лойиҳа конструкторлик бюросининг старший инженери.
85. **Печьников** Михаил Тихонович — план-техника бюросининг бошлиғи.
86. **Пилипенко** Александр Федорович— темир йўл хўжалигининг паровоз крани машинисти.
87. **Платонов** Алексей Николаевич — «Чирчиқстрой» трести техника бўлимининг старший инженери.
88. **Полежаев** Вениамин Григорьевич —смета бюросининг бошлиғи.
89. **Пономарев** Иван Григорьевич — Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон бошқармаси 236-нчи авиация отрядининг учучиси.
90. **Поспелова** Анна Ильинична — мотористка.
91. **Родионов** Игнат Степанович—темир йўл хўжалигининг мастери.
92. **Рафиқов** Александр Исмоилович— қурилиш темир йўл службасининг бошлиғи.
93. **Раҳимов** Бойқул—Деҳқонобод районидаги «ҮзҚУ» колхозининг а'зоси.
94. **Резунова** Зинаида Петровна—мастер.
95. **Равшанов** Карим—ер қазучилар бригадасининг бошлиғи.
96. **Ройтих** Борис Шлемович — қурилиш партия комитети секретарининг ўринбосари.
97. **Рўзиев** Турсун—ер қазучи.
98. **Рустамова** Мохира Азимбоевна — «Узводпроэктстрой» конторасининг лойиҳаловчи-инженери.
99. **Савин** Иван Семенович—ёғоч буюмлар заводининг мастери.
100. **Са'диев** Асад — бетончи.
101. **Содиқов** Эргаш — Тошкентдаги Сталин номли кўн заводининг ишчиси.
102. **Севастьянов** Василий Федорович —Тошкентдаги Каганович номли паровоз вагон-ремонт заводи пўлат эритиш цехининг пўлат қуйиш бўлими бошлиғи.
103. **Сигалевич** Арон Евсеевич —модий-техника та'миноти бўлими бошлиғининг ўринбосари.
104. **Сердюк** Василий Филиппович — шофер.
105. **Султонов** Маннон—Тошкент районидаги Калинин номли колхознинг раиси.
106. **Сидоров** Николай Куприянович— электр цехининг инженери.
107. **Синицин** Петр Климович—Тошкент темир йўли Урсатьевск бўлимининг диспетчери.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 24 январь, 24 февраль ва 8 март сонларида босилган.

Халқ маорифи масалалари юзасидан республика кенгаши

22—23 мартда халқ маорифи масалалари юзасидан республика кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашни Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими уюштирди. Кенгашда халқ маорифи ходимлари, область партия комитетларининг секретарьлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари қатнашдилар.

Кенгаш 1) Халқ маорифи кадрлари билан ишлаш ва ўқитувчиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш, 2) Мактабларни 1950—51-нчи ўқув йилига тайёрлаш масалаларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **М. Қ. Холиқов** биринчи масала юзасидан доклад қилди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкуравий масалалар юзасидан чиқарган тарихий қарорлари халқ маорифи органлари, мактаблар, педагогика ўқув юртлари учун программадир.

ВКП(б) Марказий Комитети ва ўртоқ Сталиннинг мактаб ишларини яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларини муваффақиятли бажариш, даставвал, халқ маорифи кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларимизга боғлиқдир.

Биз шу ўқув йилидан бошлаб етти йиллик таълимни амалга оширишга киришдик. Республикамиздаги мактаблар таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда баъзи натижаларга эришдилар. Республикадаги олий ўқув юртлари яхшироқ тайёрланган ёшларни қабул қилмоқдалар. Бу эса, ўқитучиларимиз, халқ маорифи ходимларимиз, педагогика ўқув юртларимизнинг катта хизматидир.

Республикадаги халқ маорифи ходимлари ва ўқитучиларнинг асосий оммаси юртимизнинг чин ватанпарварлари бўлиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Неча минглаб ўқитучилар орден ва медальлар билан мукофотланди, республикада хизмат кўрсатган ўқитучи деган фахрли ном олди. Ўқитучиларимиз орасида СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бор, минглаб ўқитучилар маҳаллий Советларнинг депутатларидир.

Аммо мактаблар ва халқ маорифи органларининг ишларида ҳали катта-катта камчиликлар бор. Докладчи, талайгина болалар мактаблардан кетиб қолганлиги партия, совет, комсомол ташкилотларининг, шунингдек халқ маорифи органларининг умумий таълимни амалга ошириш учун кўрсатади, деди. Ўқиш сифати, ўқучиларнинг давомати ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас. Баъзи мактабларда таълим-тарбия ишларида формализмга тамомила хотима берилган эмас. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Педагогика фанлари илмий-текшириш институти мактаблардаги ўқиш процессини пухта ўрганмаётирлар, айрим фанлардан берилаётган дарсларни таҳлил этмаётирлар.

Ўқучиларнинг бир синфда икки йил қолиши ва ўзлаштириш даражасининг пастлиги каби ҳоллар кўп учрамоқда. Республикадаги мактаблар ўқиш йилининг биринчи ярмини қониқарсиз натижалар билан тамомладилар. Фарғона, Наманган ва Хоразм областьларидаги мактабларда аҳвол ера ҳам кўнгилдагидек эмас.

Бу камчиликларнинг юз беришига сабаб шуки, ўқитучилар ва халқ маорифи ходимларини жой-жойига қўйиш, уларни ғоявий тарбиялаш ишлари мутлақо кўнгилдагидек эмас.

Ўртоқ Холиқов халқ маорифи кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги камчилик ва хатоларга тўхталиб ўтади.

— Бу ишдаги энг катта камчилик шундан иборатки,—деди докладчи,—биз барча мактабларни ва халқ маорифи органларини яхши тайёрланган кадрлар билан ҳали тўла таъминлаганимизча йўқ.

Ишончсиз баъзи шахсларнинг халқ маорифи бўлимларининг раҳбарлик ишларига жойлашиб олганлигига Маориф министрлиги ва партия ташкилотлари контроль ишларини сусайтириб юборганлиги сабаб бўлаётир.

Ишчи ва деҳқон ёшлари кечки мактабларининг эҳтиёжлари учун чиқарилган маблағлардан жуда ёмон фойдаланилмоқда. Маориф министрлиги ва ишчи ҳамда қишлоқ ёшлари мактаблари бўлимининг раҳбари ўртоқ Чепланованинг ҳисоботларига қараганда, гўё ҳамма иш кўнгилдагидай бораётгандек бўлиб кўринади. Бу ишлар учун давлат томонидан чиқарилган маблағлардан ўз ўрнида фойдаланилмади ва баъзан эса бу маблағлар талон-торож қилинди.

Сўнгра, ўртоқ Холиқов Маориф министрлигида кадрлар билан ишлаш қониқарсиз эканлиги ҳақида гапирди. Маориф министрлиги Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг кўрсатмаларидан тегишли хулосаларни чиқариб олмади. Кадрларни яхши билмаслик, уларни яхши ўрганмаслик халқ маорифи раҳбар ходимлари ўртасида катта қўнимсизликка сабаб бўлди. 1948 ва 1949 йилларда 225 раҳбар ходим ўзгартирилди. 44 районда икки мартадан, 18 районда эса уч мартадан район халқ маорифи бўлимларининг мудирлари ўзгартирилган.

Маориф министрлиги, министрнинг кадрлар бўйича ўринбосари ўртоқ Тоиров кадрларни тарбиялаш соҳасида кун сайин жиддий иш олиб бормади, резерв кадрлар вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмади. Бунинг натижасида, ишни эплай олмаган баъзи ходимлар бошқа жойга тайинланаберди. Масалан, Фарғона областидаги Куйбишев район халқ маорифи бўлимининг мудири Файзуллаев ишни барбод этганҳолда, уни Тошлоқ район халқ маорифи бўлимининг мудири қилиб тайинладилар, уни бу райондан ҳам ишдан бўшатишга тўғри келди.

Халқ маорифи бўлимларида бошланғич партия ташкилотлари бор. Улар аппаратнинг ишларини яхшилашда, кадрларни тарбиялашда катта роль ўйнашлари керак. Аммо район ва область партия комитетлари, пропаганда ва агитация бўлимлари уларга амалий раҳбарлик қилмаётирлар.

Докладчи, ёшлар ва хотин-қизларни, айниқса ўзбек хотин-қизларини халқ маорифи органларининг раҳбарлик ишларига дадил кўтариш зарурлигини айтди.

Ўртоқ Холиқов ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида мактабнинг роли ғоят катта эканлигини таъкидлаб, ўқитучи кадрлардан бир қисмининг етарли даражада тайёрланмаганлиги мактабларнинг ишлари да катта камчиликлар юз беришига сабаб бўлаётганлигини уқдириб ўтди. Докладчи сиртдан ўқиш заиф соҳа эканлиги ҳақида гапиради. Сиртдан ўқучилар тегишли китоблар билан таъминланмаётир, халқ маорифи органлари сиртдан ўқучиларнинг ишларини назорат қилмайдилар, педагогика ўқув юртлари бу масалага кам аҳамият бермоқдалар.

Иш авлодни дунёга материалистик қараш руҳида тарбиялашда ўқитучиларнинг роли ғоят каттадир. Ўқучиларни тўғри тарбиялаш учун ўқитучининг ўзи сиёсий билимли, ғоявий жиҳатдан чиниққан бўлиши керак. Бизда ўзларининг сиёсий ва назарий маълумотларини ошириш устида ишламаётган ўқитучилар ҳали кўп. Республика ўқитучиларининг учдан бир қисмигина партия маорифи шохобчаларида ўқимоқда.

Сўнгра докладчи мактаблардаги бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг ишларини кучайтириш тўғрисида, таълим-тарбия ишларини яхшилашда коммунист ўқитучиларнинг роли ҳақида гапиради.

Ўртоқ Холиқов кенгаш қатнашчиларининг эътиборини мактабларда, айниқса ўзбек мактабларида рус тилини яхшироқ ўрганиш масаласига жалб этди. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Педагогика ўқув юртларида рус тилидан дарс бериши ўқитучилар тайёрлашга жиддий эътибор қилиш керак. Шаҳар мактабларининг қишлоқ мактаблари билан, ўзбек мактабларининг рус мактаблари билан алоқасини кучайтириш керак.

Сўнгра, докладчи педагогика ўқув юртларининг ишларига тўхталиб, улар мактабда ишлаш учун мукаммал тайёрланган ўқитучиларни ҳали кам етиштираётганликларини, педагогика кадрларига бўлган катта эҳтиёжни қондирмаётганликларини айтди.

Халқ маорифи кадрлари билан ишлашдаги камчиликларнинг юз беришига халқ маорифи органларида, мактаб ва педагогика ўқув юртларида большевикча танқид ва ўз-ўзини танқид ҳали кучайтирилмаганлиги кўпинча сабаб бўлаётир.

Ўртоқ Холиқов докладининг охирида бундай деди:

— Мактаблар ва педагогика ўқув юртларининг ишларини яхшилаш, кадрларимизни совет ватанпарварлиги руҳида, большевиклар партиясининг ишига, халқларнинг улуғ йўлбошчиси ўртоқ Сталинга садоқат руҳида тарбиялаш—партия ташкилотларининг, халқ маорифи органлари ходимларининг шарафли бурчидир.

Ўртоқ Холиқов доклади юзасидан қизғин музокаралар бошланди.

Бухоро область партия комитетининг секретари ўртоқ **Қўчқоров** партия ташкилотларининг халқ маорифи ишига раҳбарлиги тўғрисидаги масалаларга тўхталиб ўтди. Бухоро область партия комитети ва район партия комитетлари халқ маорифи кадрларини танлаш ва тарбиялаш ишларига катта эътибор қилабошладилар. Аммо, областьдаги мактабларнинг ишларида ҳам ҳали катта камчиликлар бор. Бир синфда икки йил қолиш, қизларнинг мактаблардан кетиб қолиши каби ярамас ҳолларга қарши кескин кураш олиб борилмаётир. Бирқанча фанлардан ўқитучилар етишмаётир. Ўқитучиларнинг бир қисми олий маълумотга эга эмас.

Ўртоқ Қўчқоров Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ходимлари кадрлар танлаш ишига баъзан жиддий эътибор қилмаётганликларини танқид қилди. Ўртоқ Қўчқоров ишни барбод этган айрим ходимларни Маориф министрлиги ўз ҳимоясига олганлигини кўрсатадиган фактлар келтирди.

Ўртоқ Қўчқоров болалар уйларида тарбия ишларини кучайтириш ва болалар уйларини сиёсий саводли, моҳир кишилар билан мустаҳкамлаш зарур, деди.

Қорақалпоғистон область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **Сафаров** ўз нутқида халқ маорифи ишларида бирқанча камчиликлар борлигини кўрсатди.

— Мактабларимизда, — дейди ўртоқ Сафаров, — рус тилини ўргатиш, физика, химия, биология фанларини ўқитиш кўнгилдагидек эмас. Ўқитучи кадрларнинг етишмаётганлиги орқасида бундай аҳвол юз бермоқда. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Қорақалпоғистон АССРдаги мактабларни ўқитучилар билан таъминлашга юзаки қарамоқда. Маориф министрлиги Қорақалпоғистонда ишлаш учун ўқитучилар юбориш ҳақида буйруқ берса ҳам, ўз буйруғининг қандай бажарилаётганлигини текширмайди

Ўрта Осиё Давлат университетининг ректори ўртоқ **Умаров** ўрта мактаблардаги таълим-тарбиянинг сифати ҳақида тўхталиб ўтди. У, баъзи мактабларда хусусан рус тили, физика, математика фанлари соҳасида ўқучиларга тўлиқ маълумот берилмаётганлигини таъкидлади.

Ўртоқ Умаров ўзбек мактабларининг ўқитучилари учун методик қўлланмаларни ва олий мактабларда учун ўзбек тилида дарсликларни кўпроқ нашр этиш кераклигини айтди.

Тошкент область халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ **Маҳмудов** ўқитучиларни ғоявий тарбияси тўғрисида гапирди. У, ана шу муҳим ишда бирқанча камчиликлар борлигини айтди. Сўнгра, ўртоқ Маҳмудов республикада қозоқ ва тожик мактаблари учун ўқитучилар кам тайёрланаётганлиги ва бу мактабларга керакли адабиётлар етарли чиқарилмаётганлигини уқдириб ўтди. Ўртоқ Маҳмудов болалар уйлари ва боқчаларининг ходимларини ғоявий жиҳатдан тарбиялашни кучайириш зарурлигини, ўзбек тилида педагогика журнали чиқариш пайти келганлигини кўрсатиб ўтди. Бу журналда республикадаги энг яхши ўқитучиларнинг тажрибаларини ёритиш ва умумлаштириш мумкин бўлур эди.

Наманган область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **Нурмуҳаммедов** ўқитучилар ўз ғоявий-назарий савияларини қандай ошираётганликлари тўғрисида сўзлади. Областьдаги ўқитучилардан минглан ортиқ киши тўгаракларда шуғулланмоқда, кўплари район партия мактабларида, марксизм-ленинизм кечки университетида ўқимоқдалар.

Ўртоқ Нурмуҳаммедов Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг кадрларни танлашдаги хатоларини ҳам кўрсатди. Кўпинча ғоявий ва сиёсий жиҳатдан чиниқмаган кишиларни жойларга юборадилар. Орада бирқанча вақт ўтганидан кейин, уларни ишдан олишга тўғри келади. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, хусусан, мактаблар сектори мактабларнинг ишига тузук раҳбарлик қилмаётир. Бухоро педагогика институтининг директори ўртоқ **Жўраев** жойлардаги педагогика олий ўқув юртларини малакали илмий ходимлар билан таъминлаш зарурлиги ҳақида гапиради.

— Бизнинг институтимизда, — дейди у,—саккиз кафедра бўлса, уларда битта ҳам фан кандидати, битта ҳам доцент йўқ. Илмий кадрларнинг камлиги бутун ўқитучи тарбия ишларига ёмон таъсир кўрсатади. Маориф Министрлиги, министрликнинг педагогика олий ўқув юртлари бўлими жойлардаги олий ўқув юртларини тегишли кадрлар билан таъминлаш тадбирларини кўрмаётирлар.

Маориф министрининг ўринбосари ўртоқ **Тоиров** ўз нутқида кенгашда министрликнинг ишлари ва министрнинг кадрлар бўйича ўринбосари сифатида ўзининг ишидаги камчиликлар тўғри танқид қилинганлигини эътироф этди. Ўртоқ Тоиров кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда катта-катта камчиликлар борлигини ҳам уқдириб ўтди. Халқ маорифи системасидаги раҳбар ходимлар кўпинча ўзгартирилади, бир жойдан-иккинчи жойга кўчирилади, етарли асос бўлмагани ҳолда ишдан бўшатилади.

Ўқитучилар орасида ўқитучи деган юксак номга муносиб бўлмаган кишилар ҳам бор. Болалар уйларидаги тарбиячи кадрлар орасида бу ишга нолойиқ кишилар ҳам бор. Болалар уйларида совет педагогикасининг принципларини билмайдиган ва халқ маорифи системасига тасодифан кириб қолган баъзи кишилар ишламоқда.

Ўзбекистон К(б)П Андижон область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **Каипов** областьдаги баъзи мактабларда ўқучиларнинг давомати жуда пастлигини айтди. Ўрта мактабларни тамомлаб чиқучилар олий ўқув юртларига кириш учун керак бўлган энг эврут талабларга жавоб беролмайдилар. Областьда олий маълумотли ўқитучилар кам, педагогика кабинетлари тузук ишламаётир, ўқитучиларга методик ёрдам берилмаётир.

Раҳбар ва ўқитучи кадрларнинг тез-тез алмаштириб турилиши жойларда халқ маорифи ишларига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили область халқ маорифи бўлими 16 кишини ишдан бўшатди. Маориф министрлиги эса бундай фактларга эътибор қилмайди. Педагогика кадрларини тайинлаш ва ўзгартиришда тартиб бўлиши лозим. Андижон областидаги мактабларга мингдан ортиқ ўқитучи етишмайди. Ўқитучилар тайёрлашга жиддий эътибор қилиш керак.

Қашқадарё область партия комитетининг секретари ўртоқ **Жуманазаров** областьдаги ўқитучилар «ВКП(б) тарихи қисқа курсини» В. И. Ленин ва И. В. Сталин таржимаи ҳолини ўрганиш тўғраларида, партия мактабларида шуғулланиб ва мустақил суратда ўқиб, ўзларининг ғоявий-сиёсий савияларини ошираётганликлари ҳақида сўзлади.

Ўртоқ Жуманазаров Қаршидаги ўқитучилар институти жиддий ёрдамга муҳтож эканлигини айтди. Аммо Маориф министрлиги ходимлари бу институтга кадрлар билан ёрдам бермаётир.

Сурхондарё область партия комитетининг секретари ўртоқ **Аҳмедов** ўқитучиларнинг малакасини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Еттийиллик мажбурий таълимга ўтиш муносабати билан ўқитучиларга талаб ортди. Мактабларга паст малакали кишиларни юбориш мумкин эмас. Халқ маорифи органлари ўқитучиларнинг малакасини ошириш ишлари билан шуғулланишлари керак.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари **Рачинская**, «Ўқитучилар газетаси»нинг муҳаррири **Хўжахонов**, республика прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи **Қодеицова**, Фарғона область партия комитетининг секретари **Фаёзова** ва Хоразм педагогика институтининг директори **Қаландаров** ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Кенгашнинг охирида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **М. Ғ. Ваҳобов** нутқ сўзлади. Ўртоқ Ваҳобов халқ маорифи кадрларини танлаш ва етиштириш ишларини яхшилаш ва ўқитучилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан бирқанча амалий вазифаларни айтиб ўтди.

★

Ўзбекистон ССР Маориф министри ўртоқ **А. Муродхўжаев** мактабларни 1950—51-нчи ўқув йилига тайёрлаш тўғрисида доклад қилди.

Докладчи, янги ўқув йилига ўтган йилдагидан анча илгарироқ тайёргарлик кўрилабошлаганлигини уқдириб ўтди. Партия, совет ташкилотлари ва халқ маорифи органлари ўтган йилларда хатоларни ҳисобга олиб, янги ўқув йилига пухта тайёрланишлари керак. Халқ маорифининг баъзи ходимлари ва хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг директорлари биноларни ремонт қилиш ва ўқиш ёшидаги болаларни юзаки рўйхатга олиш бланкига чекланиб қоладилар. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ғоят муҳим вазифадир.

Республикамизда бу йил етти йиллик мажбурий таълим амалга оширилабошлади. Мактабларда ўқучилар сони ортиши билан бирга, ўқиш ёшидаги барча болаларни мактабларга ҳали тўла жалб этолганимиз йўқ. Кўпгина ўқучилар ёзлик каникулдан кейин мактабларга қайтиб келмадилар, мактаб директорлари, халқ маорифи органларининг раҳбарлари эса йўл қўйиб бўлмайдиган ана шундай ярамас ҳолларга мутлақо масъулиятсизлик билан қарадилар. Жойлардаги партия ва совет ташкилотлари ҳам бунга эътибор қилмадилар.

Умумий мажбурий таълим тўғрисидаги Қонун Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Андижон областьларида ва Қорақалпоғистон АССРда айниқса қониқарсиз бажарилмоқда. Масалан, Самарқанд областида ўқиш йилининг биринчи ярмида 3 минг бола, Сурхондарё областида 2 мингдан ортиқ бола, Қашқадарё областида 1.800 бола мактабдан кетиб қолган.

Маҳаллий партия, комсомол, совет ташкилотлари ва халқ маорифи органлари ўзбек қизларининг ҳаммасини мактабларга тортиш тадбирларини ва мактабдан кетиб қолиш ҳолларини тугатиш тадбирларини кўрганлари йўқ. Андижон областида ўзбек қизларининг мактабларга тортилиши жуда ёмон қўйилган. Андижон областида V—VII синфларда ўқучилар сони 110 минг кишига ортади. Келгуси йилда ўқучиларнинг умумий сони 1 миллион 255 минг кишига етади.

— Ўтган йили, — дейди ўртоқ Муродхўжаев, — кўпгина районларда мактаблар ремонти сифатсиз ўтказилди. Қилинган ремонт шаҳар ва район ижроия комитетларининг махсус комиссиялари томонидан қабул этилмади. Бунинг натижасида Сурхондарё областининг Узун, Сариосиё районларида, Бухоро областининг Қоракўл ва Олот районларида ҳамда бошқа кўпгина районларда биринчи ёмғир ёғиши бланоқ томлардан чакка ўтди, синфлардаги печкаларнинг тузатилмаганлиги маълум бўлди.

Бухоро область, Ғиждувон районининг меҳнаткашлари ватанпарварлик ташаббуси кўрсатиб, ўтган йили мактабларга ёрдам бериш юзасидан социалистик мажбурият олган эдилар. Улар бу мажбуриятларини муваффақиятли суратда бажардилар. Республикадаги кўпгина районлар бу ташаббусни қувватламади. Область ва районлардаги партия ҳамда совет ташкилотлари Ғиждувон колхозчиларининг ташаббусини кенг ёйиш учун тегишли тадбир кўрмадилар.

1949 йилда мактабларда дарслар бошланишига қадар, шунингдек ўқиш йилининг дастлабки ойларида 7 миллион нусҳадан ортиқ дарслик чиқарилди. Аммо халқ маорифи бўлимлари ва савдо ташкилотларининг жадал ҳаракат қилмаганликлари натижасида дарсликларнинг кўпи мактабларга ўз вақтида етказиб берилмади. Декабрь ойида Андижон область матлубот союзининг омборларида 56 минг нусҳадан ортиқ дарслик жўнатилмай қолган эди.

Ўртоқ Муродхўжаев янги ўқув йилида халқ маорифи органлари олдида турган катта вазифалар ҳақида муфассал гапирди. Сентябрьдан бошлаб республикада яна 187 мактаб очилади, V—VII синфларда ўқучилар сони 110 минг кишига ортади. Келгуси йилда ўқучиларнинг умумий сони 1 миллион 255 минг кишига етади.

Таълим-тарбия ишларини яхши сифатли қилиб уюштириш учун жойлардаги партия, совет ташкилотлари бу ишда катта ёрдам беришлари керак. Юқори синфлар ва уларда ўқучилар сонининг ортиши айрим ташкилотлар эгалланган мактаб биноларини қайтариб беришни, шунингдек янги биноларни топишни талаб этади. Мактаб биноларини қўраётган колхозларнинг ташаббусини ҳартарафлама қувватлаш керак.

Докладчи дарсликлар чиқариш ва мактабларни дарсликлар билан таъминлаш соҳасида кўп иш қилиш кераклигини таъкидлади. 1 июльгача мактаблар учун жами 4 миллион 960 минг нусҳада 85 номли дарслик чиқарилиши керак.

— Келгуси ўқув йилида мактаб ишларининг сифати уларнинг ўқув йили олдидан пухта тайёргарлик кўришларига боғлиқдир. Халқ маорифи органлари, партия, совет ва комсомол ташкилотлари республикадаги мактабларни янги ўқиш йилига шундай тайёрлашлари керакки, мактабларимиз партия, ўртоқ Сталин томонидан совет мактаби олдига қўйилган масъулиятли вазифаларни муносиб суратда бажаролсинлар.

Ўртоқ Муродхўжаев доклади юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Самарқанд область маориф бўлимининг мудири ўртоқ **Ҳақбердиев** ва Қорақалпоғистон АССР Маориф министри ўртоқ Калимбетов умумий мажбурий таълим тўғрисидаги қонуннинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида сўзладилар. Ўртоқ Калимбетов Қорақалпоғистонда умумий мажбурий таълим ҳақидаги қонун суст амалга оширилаётганлигини, қорақалпоқ тилида дарсликлар чиқариш плани ҳар йили бажарилмай қолаётганлигини айтди. Ўртоқ Калимбетов республика газеталари мактабларнинг ҳаётини, энг яхши ўқитучиларнинг тажрибаларини суст ёритаётганлигини, «Ўқитучилар газетаси» ҳам республикадаги мактаблар ҳаётига доир энг муҳим ва актуал масалаларга эътиборни бўшаштириб қўйганлигини айтди.

Тошкент шаҳар маорифи бўлимининг ўринбосари ўртоқ **Зельцер** бундай деди:

— Шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларининг аппарати таълим-тарбия ишларига умумий ва юзаки раҳбарлик қилиш услуби ва методларидан халос бўлган эмаслар.

Ўқитучилар, мактаб директорлари ўз маълумотларини ошириш учун системали суратда ишламаётирлар. Маълумотни ошириш усуллари кўп. Тошкентда ҳар йили ўқитучиларнинг илмий конференциялари ўтказилади. Бу конференцияларда энг яхши ўқитучиларнинг тажрибалари умумлаштирилади. Конференциялар ўқитучиларга методик жиҳатдан ёрдам берадилар, энг яхши ўқитучиларнинг тажрибаларини ўргатадилар. Республика шаҳарларидаги ўқитучиларнинг энг яхши тажрибаларини қишлоқ мактабларига, халқ маорифи органларига ёйиш керак.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети мактаблар секторининг мудири ўртоқ **Тимашпольский** янги ўқув йилига тайёрлик масалаларини шу ўқув йилини муваффақиятли суратда тугаллаш билан боғлаб бориш зарурлигини айтди. Ўқув йилининг тўртинчи чораги яқинлашиб келмоқда. Шу сабабдан ҳарбир мактаб ва ҳарбир оилада ўқучиларнинг дарсларни такрорлашлари ва ўқув материалини пухта ўзлаштиришлари учун зарур шароит вужудга келтириш керак. Янги ўқув йили олдидан мактабларни ремонт қилиш ва тегишли материалларни тахт қилиб қўйи

Ер ҳайдаш ва чигит экишда агротехника қоидаларига тўла риоя қилинсин!

★

ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Чигитни юқори сифатли қилиб барвақт экиб олайлик!

Ўзбекистоннинг ҳамма областьларида чигит экиш қизғин давом этмоқда. Республиканинг колхоз ва совхозлари бу йил чигит экишни ўтган йилдагига қараганда анча эрта бошладилар. Жанубий районлардаги ҳамма колхозлар чигит экишга киришдилар.

Сурхондар'ё областидаги бирқанча колхозлар пахта майдонларининг ярмидан кўпроғига чигит экиб бўлдилар. Шеробод, Қарши ва бошқа районларда ҳам чигит экиш ишлари муваффақиятли бормоқда. Пахтакор совхозлар чигит экишни уюшқоқлик блан бошлаб юбордилар. «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхози 847 гектар, Сталин номидаги 16-нчи совхоз қарийб 500 гектар ерга чигит экди.

Март ойининг сўнгги бешкунлиги ва апрельнинг биринчи ўнкунлиги чигит экиш учун энг яхши вақт ҳисобланади. Шу кунларда экилган чигит кейинчалик яхши парвариш қилганда энг юқори ҳосил беради. Ҳозирги вақтда пахтакорлар, қишлоқ хўжалигида ишлаётган барча меҳнаткашлар, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари олдида чигитни қисқа муддатда барвақт экишдан кўра ҳам муҳим ва мас'улиятли вазифа йўқ.

Афсуски, бирқанча область ва район ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек кўпгина колхоз раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Республикамизда чигит экишда илғор колхозлар блан бир қаторда, чигит экишни кечиктираётган талайгина колхозлар ҳам бор. Самарқанд, Бухоро областьларида экиш ишлари айниқса ёмон бормоқда. Тошкент области ва Фарғона водисидаги колхозларда чигит экишнинг кечиктирилишига ҳечқандай важ йўқ. Масалан, Бекобод районида ер ҳайдаш блан чигит экиш ўртасида катта узилиш юз берди. Натижада ишланган ерларнинг нами қочиб, чигит экиш учун энг қулай пайт ўтказилиб юборилмоқда.

Бирқанча область ва районларда сеялка ва асбобларнинг бир қисми тахт қилиб қўйилмаганлиги чигит экишнинг кечикишига сабаб бўлмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Қашқадар'ё областьларида чигит сеялкалари то ҳозиргача ремонт қилиб бўлинмаган. Сирдар'ё, Мирзачўл, Молотов, Чинобод, Пахтакор, Жомбой, Пойариқ ва бошқа бирқанча районларда уруғлик чигитни колхозларга ташиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кечиктирилмоқда. Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам чигит экиш кўнгилдагидек эмас.

Кўпгина областьларда, айниқса Самарқанд ва Бухоро областьларида ирригация-мелиорация ишларининг қониқарсиз бўлиши ҳам экиш ишларининг секин боришига сабаб бўлаётир. Бунга дарҳол чек қўйиб, ариқ ва зовурларни тозалашни ҳартарафлама кучайтириш зарур.

Тошкент, Андижон ва Наманган областьларида ер ҳайдаш сур'ати талабга жавоб бермайди. Бу ҳол чигит экишни кечиктириши мумкин. Экиш олдидан қилинадиган ишлар ҳартарафлама кучайтирилиши лозим. Шу блан бирга ер ҳайдаш блан чигит экиш ўртасида катта узилишга йўл қўйиш ярамайди, чунки чигитни яхши ишланган, нами қочмаган ерга экиш ғоят муҳимдир.

Чигит экишда кунлик экиш нормаларини ошириб бажариш учун универсалчилар ўртасида социалистик мусобақа ҳартарафлама кучайтирилиши, шу блан бирга сифатсиз ишловчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борилиши керак.

Чигит экишни ялпи кучайтирайлик! Тракторчилар, колхозчилар, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари, чигитни юқори сифатли қилиб қисқа муддатда экишни та'минлангиз!

☆ ☆

Наманган область пахтакорларининг кенгаши

НАМАНГАН. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). 23 мартда Наманган область пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари область колхозларида кўклам дала ишларининг бориши ҳақида Ўзбекистон К(б)П область комитетининг секретари ўртоқ П. Муҳиддиновнинг докладини тингладилар. Докладчи ва музокарага чиқиб сўзлаган ўртоқлар областьда ер ҳайдаш ва чигит экишда жиддий қолоқлик юз бериб келаётганини қаттиқ танқид қилдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг IV пленуми қарорига асосан, область колхозларида чигит экиш 10 апрельгача тугалланиши керак. Броқ кўпчилик колхозларда ер ҳайдаш ва чигит экиш ниҳоятда қониқарсиз бораётир.

Область МТСларида 95 «Универсал» трактори ҳалигача ремонтдан чиқарилмаган. Шунингдек, колхозлардаги мавжуд қишлоқ хўжалик машиналарининг тўртдан бир қисми ҳалигача тартибга келтириб ишга солинмаган. От-улов блан ер ҳайдаш иши ҳам ёмон уюштирилган.

Область ва район ташкилотларининг раҳбарлари камқувват колхозларнинг ишини яхшилашга бу йил ҳам етарли э'тибор бермаётирлар. Ҳолбуки, областьда 100 дан ортиқ колхоз камқувват ҳисобланади. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг IV пленуми бундай колхозларни илғорлар даражасига кўтариш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаган эди. Шунга асосан, областьдаги камқувват колхозлар учун 55 та дизель трактори, 55 та автомашина ва кўп миқдорда қарз маблағлар ажратилди. Афсуски, кўпгина район партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг э'тиборсизлиги орқасида камқувват колхозларга ажратилган тракторларнинг кўпи, имконияти катта бўлган колхозларда ишлатилмоқда.

Областьнинг кўпгина районларидаги колхозларда ҳалигача ўтган хўжалик йилининг ҳисоботлари тугалланмаган. Колхоз омборларида кўп миқдорда дон ва бошқа нарсалар бўлишига қарамай, айрим колхоз раҳбарларининг бепарволиги блан, бу донлар шу кунгача колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимлаб берилмаган. МТСлар блан колхозлар ўртасида ишлабчиқариш шартномалари ҳали тўла тузиб чиқилмаган. Наманган район ижроия комитети (раиси ўртоқ М. Насриддинов) МТСлар блан колхозлар ўртасида тузилган шартномаларни ҳозиргача тўла кўриб чиқмаган.

Кенгашда Тўрақўрғон районидаги «Сталинград» колхозининг раиси А. Турдибоев, Янгиқўрғон районидаги Калинин номли колхознинг раиси Ж. Мамашаев, Уйчи районидаги Сталин номли колхознинг раиси М. Валиев ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз колхозларида ер ҳайдаш ва чигит экиш қандай уюштирилгани ҳақида гапирдилар ва ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ У. Юсупов катта нутқ сўзлади. Ўртоқ Юсупов область пахтакорлари олдида турган ҳозирги вазифаларни муфассал кўрсатиб берди.

Кенгаш қатнашчилари чигитни 10 апрельгача сифатли қилиб экиб бўлиш ва уни ердан текис ундириб олиш тадбирларини кўриш ҳамда ғўзани парвариш қилишга пухта тайёрлик блан киришиш мажбуриятини олдилар.

АЛМАШЛАБ ЭКИШ СХЕМАСИ БУЗИЛМОҚДА

Партия ва ҳукуматимиз пахтадан муттасил юқори ҳосил олишни та'минлаш учун академик Вильямс усулида ўт-далали алмашлаб экишни жорий қилишни энг муҳим вазифа қилиб қўйди.

Ўт-далали алмашлаб экиш—тупроқнинг структурасини яхшилайди ва унинг таркибида экин учун зарур бўлган азот, фосфор, калий каби озиқ моддаларини кўпайтиради ҳамда ернинг унумдорлигини йилдан-йилга оширади. Шунингдек, колхоз ва совхозларда чорвачилик учун мустахкам ем-хашак базасини вужудга келтиради.

Фарғона областида пахта ҳосилини йил сайин оширишда ўт-далали алмашлаб экиш муҳим агрономия тадбирларидан биридир. Айниқса, пахтакор колхозларда алмашлаб экишни жорий қилишда асосий ўрин тутадиган беда экишни тамомлайдиган пайт келди.

Аммо шунга қарамасдан, областьда бу иш жуда қониқарсиз бораётир. Бунинг учун областьнинг энг йирик пахтакор ва юқори ҳосилли Тошлоқ районидаги аҳволни кўрсатиш мумкин. Райондаги колхозларнинг алмашлаб экиш далаларида шу кеча-кундузда олиб борилаётган иш талабга мутлақо жавоб бермайди. 400 гектарга яқин эски бедапоялар алмашлаб экиш схемаси бўйича бузилиб, чигит экишга тайёрланиши лозим эди. Лекин шу вақтгача бу бедапоялар бузилмаган, шунингдек янги беда экиладиган ерларни экишга тайёрлаш ҳам кечиктирилмоқда. Чунончи, районнинг Бирлик қишлоқ советидаги «Социализм» колхозида (раиси ўртоқ Имом Алиев) схема бўйича 35 гектар ерга янги беда экилиши керак эди, ваҳолонки 5 гектар ерга экилган, холос. Бузилиши лозим бўлган бедапоядан 17 гектари эса ҳозиргача ҳайдалмаган. Бундай аҳволни районнинг Октябрь қишлоқ советидаги Охунбобоев номли ва Киров қишлоқ советидаги Сталин номли колхозларда ҳам кўриш мумкин. Районда 22 мартгача беда экиш плани 40 процент ҳам бажарилгани йўқ.

Алмашлаб экишнинг ўлда-жўлда бўлиб қолаётганига асосий сабаблардан бири шуки, район қишлоқ хўжалик бўлими бу муҳим ишга ўтакетган бепарволик ва мас'улиятсизлик блан қараб келаётир. Биз район қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиги ўртоқ Мамажонов блан суҳбатлашганимизда, унинг колхозларга амалий раҳбарлик қилиш ўрнига, идорада майдачуйда ишлар блан ўралиб қолганлиги ма'лум бўлди. Ундан беда экишнинг кечикиш сабабларини сўраганимизда, у:

— Идорада бошқа нарсалар блан банд бўлиб, бу ишга қарай олмадик, энди бу ишни тезда тамомлаймиз, — деди.

Ҳолбуки, ўртоқ Мамажонов ҳам, МТСнинг бош агрономи ўртоқ Эгамбердиев ҳам алмашлаб экиш бўйича қайси колхозда қанча беда экиш, қайси участкаларда эски бедапояни бузиб, чигит экиш кераклигини билмайдилар.

Шунинг натижасида районнинг Ворошилов номли, «Деҳқонобод», «Ленинизм» сингари кўпчилик колхозлари беда уруғи блан тўла та'мин этилган бўлсалар ҳам, беда экиш иши ҳамон судралмоқда.

МТС раҳбарлари тракторларни биринчи навбатда эски бедапояларни бузишга чиқариш ўрнига, иккинчи навбатда ҳайдалиши лозим бўлган заҳкаш, етилмаган ерларга юбориб, ганимат фурсатни қўлдан бермоқдалар. Натижада, бузилиши лозим бўлган эски бедапоялар ҳалигача ҳайдалиб, чигит экишга тайёрлангани йўқ.

Чигит барвақт экилиши керак бўлган қумоқ ерларга тракторлар биринчи галда чиқарилиши лозим эди, лекин бу иш ҳам ҳозиргача судралиб келмоқда. Масалан, «Янгийўл», «Социализм» ва Стаханов номли колхозларда ҳайдаш ишларини бундан ўн кун илгари тамомлаб, 20 мартда чигит экишни бошлаб юбориш лозим эди. Лекин ҳозиргача бу колхозларга тракторлар келмаган. Бу тўғрида колхоз раҳбарлари 2-нчи МТС директори ўртоқ Дранниковга бирнеча бор мурожаат қилган бўлсалар ҳам, уларнинг талаби қондирилмаётир.

Районда 500 гектарга яқин ерга қатор оралиғини 60 сантиметр қилиб чигит экиш учун план тузилган. Аммо МТС ма'мурияти сеялкаларни шунга мослаштириш юзасидан ҳечқандай тайёргарлик кўрмаган.

Тракторларнинг ремонти сифатсиз ўтказилганидан, натижада тракторлар тез-тез бузилиб қолмоқда. Масалан, Наримонов номли, «МОПР» колхозларига юборилган 3 СХТЗ ва 2 НАТИ тракторлари қайтадан ремонт қилиш учун яна МТС ишхонасига қайтарилди. Бу аҳвол алмашлаб экишга ажратилган участкаларни ўз вақтида ҳайдаб қўйишга тўсқинлик қилмоқда.

Юқоридаги фактлар Тошлоқ район партия ва совет ташкилотлари ва ер органлари ўт-далали алмашлаб экишнинг моҳиятига ҳали ҳам яхши тушуниб етмаганларини, партия ва ҳукуматимизнинг бу тўғридаги кўрсатмаларини амалга оширмаётганликларини кўрсатади. Район партия комитетининг бюросида ва район ижроия комитетининг мажлисида бу масала бирор марта ҳам муҳокама қилинмаган. Шунинг ўзи район раҳбарлари ҳосилни оширишга жиддий э'тибор бермаётганликларини исбот этади.

Ўзбекистон К(б)П район комитети (секретари ўртоқ Эрматов) ва район ижроия комитети (раиси ўртоқ Исҳоқов) юқорида кўрсатилган жиддий камчилик ва хатоларни тезда тугатиб, алмашлаб экиш схемасига мувофиқ беда экишни 30 мартгача тамомлашлари ва эски бедапояларни тезда бузиб, чигит экишга тайёрлашлари зарур.

Х. ИКРОМОВ.
С. ҚАЙЮМОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлари.

Машҳур математик олим

Яқинда пойтахтнинг илмий жамоатчилиги отоқли олим, педагог ва жамоат арбоби Всеволод Иванович Романовский туғилган куннинг 70 йиллигини нишонлади.

Улуғ рус халқининг машҳур намояндаларидан бири профессор В. И. Романовский революциянинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистонда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни мисли кўрилмаган даражада юксалтириш йўлида ҳормай-толмай ишлади.



Всеволод Иванович 1879 йилда туғилган. У, 1906 йилда Петербург университетини тамомлади ва 1908 йилда шу университетда магистрликка имтиҳон топширди. Сўнгра, Всеволод Иванович Романовский уч йил мобайнида Тошкентдаги реал ўқув юртида алгебра ва физикадан дарс берди. 1918 йилда Всеволод Иванович Романовский Тошкентда ирригация бошқармасида математик вазифасида ишлади. Шу йилиёқ Тошкентда Халқ университети ташкил этилди. 1920 йилда В. И. Ленин имзолаган декретга мувофиқ, халқ университети Ўрта Осиё Давлат университетига айлантирилди.

Ўрта Осиё Давлат университети физика-математика факультетининг математик статистика ва эҳтимолиёт назарияси кафедрасининг мудири профессор Всеволод Иванович Романовский университет ташкил қилинган биринчи кундан (1918 йилнинг баҳоридан) бошлаб шу ерда ишламоқда.

1940 йилда Тошкентда СССР Фанлар Академиясининг филиали ташкил этилди. Всеволод Иванович филиалнинг физика-математика секторига раҳбарлик қилди.

Всеволод Иванович Ўзбекистонда олий та'лимни ташкил этиш ва юксалтиришда бевосита актив қатнашди. Унинг Ўзбекистон ССР да маориф соҳасида қилган хизматлари ғоят каттадир.

Всеволод Иванович кўп йиллардан буён Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегиясининг а'зоси бўлиб ишлаб келмоқда. В. И. Романовский Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил қилинган кундан бошлаб унинг ҳақиқий а'зоси, физика-математика фанлари бўлимининг бошлиғи ва Президиум а'зосидир.

Ўртоқ Романовскийнинг илмий иши, педагоглик ва жамоатчилик фаолияти бир-бири блан маҳкам боғлангандир.

Всеволод Иванович Романовскийнинг биринчи илмий иши «Учбурчаклар ва кўпбурчакларнинг икки хусусияти ҳақида» деган мақоласи 1904 йилда, студентлик чоғидаёқ босилиб чиқди. Ҳозир унинг нашр этилган илмий ишлари 150 тага етади.

Всеволод Иванович Романовский хилмахил темалар устида ишлади. Унинг асарларининг энг кўп қисми эҳтимолиёт назарияси ва математик статистика масалаларига бағишланган.

Всеволод Иванович Романовский мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларга ҳам танилган олимдир.

Ҳозирги замон математик статистикасининг ҳамма масалаларини ишлаб чиқишда Всеволод Иванович яқиндан қатнашиб, жуда яхши натижаларга эришди.

Всеволод Иванович томонидан ёзилган дарсликлар ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир. Унинг «Математик статистика» дарслиги (1938 йилда нашр этилган) бу соҳада жаҳон адабиётида нашр этилган дарсликларнинг энг мукаммалидир.

А. А. Марковнинг шогирди—В. И. Романовский ўзининг бутун илмий-текшириш ишларида Чебишев оқими (мактаби) нинг ажойиб ан'аналарига амал қилди. Всеволод Иванович Романовскийнинг ба'зи илмий-текшириш ишлари статистик усулни табиёт ва техника масалаларига татбиқ қилишга ва халқ хўжалиги эҳтиёжларига қаратилган. Бу асарлар математик статистикани агрономияга ва кейинги йилларда саноатга, маҳсулотнинг сифатини аниқлаш учун татбиқ қилишга бағишланган. Шуни ҳам айтиш керакки, Всеволод Иванович Романовский турли ишлабчиқариш корхоналари ва илмий ташкилотларнинг ходимларига консультациялар бериб туради.

В. И. Романовский ўзининг кенг миқ'ёсдаги илмий иши блан бир қаторда ўқитучилик блан ҳам шуғулланади. Всеволод Иванович Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факультетида 30 йилдан буён анализ, асосан эҳтимолиёт назарияси ва математик статистикадан лекциялар ўқимоқда.

Всеволод Ивановичнинг шогирдларидан 60 киши ҳозир Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа республикаларнинг олий ўқув юртлари ҳамда илмий муассасаларида ишламоқдалар. Всеволод Иванович Ўрта Осиё республикаларининг ерли миллатларидан илмий ходимлар етиштириш масаласига алоҳида э'тибор беради. Биз машҳур математик олим Всеволод Иванович Романовскийнинг Ўзбекистон Фанлар академиясида, Ўрта Осиё Давлат университетининг ўқитучи-профессорлар составида ишлаши блан фахрланамиз.

Всеволод Иванович илмий ва педагогиклик иши блан бир қаторда жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда. У, Тошкентдаги математика жамиятининг раиси, сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг актив а'зосидир.

Всеволод Иванович Романовский ҳукумат томонидан икки марта Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотланди, унга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. У, Сталин мукофотининг лауреати унвонини олишга сазовор бўлди ва Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.

Всеволод Иванович Романовский—Ватанимизнинг содиқ гражданларидан бири ва ватанпарвар олимдир. У, ўзининг бутун билимини ва кучини Ватанимизда фан ва маданиятни юксалтириш ишига сафарбар қилмоқда.

Т. А. САРИМСОҚОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти.

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

Мўл ҳосил йўли

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозга йўлингиз тушганми? Мабодо сиз шу колхозга борган бўлсангиз, колхознинг пахта далаларини кўргандирсиз. Одатда, бу колхоз даласини биринчи марта кўрган киши: «ажабо, бу ерда пахта қандай битади» деб ҳайрон бўлиб, елка қисади. Шубҳасиз, сиз ҳам шундай ҳолга тушган бўлсангиз керак. Бу колхознинг иш тажрибасидан хабарсиз кишиларнинг ҳайрон бўлиши ажабланарли эмас. Дарҳақиқат, колхознинг тепаликлар, пастқамлик, жаржулғалардан иборат ерида қандай қилиб пахта ўстирилаётганлиги жумбоққа ўхшаб кўринади. Бундай ерларда пахта ўстирилаётганлиги масаланинг бир томони, холос. Ҳамма гап, мана шу ерлардан юқори ҳосил олабилиш-да! Колхоз бу қийин вазифани бирнеча йиллардан буён эплаб, уддалаб, ўз устига олган катта мажбуриятларини бажариб, республикада шуҳрат қозониб келмоқда.

Мана, биз тўрт йил ичида пахтадан олинган ҳосилни кўздан кечирайлик. 1946 йилда колхоз ҳар гектар ердан 21 центнердан ҳосил олди. Бу рақам ундан аввалги йиллардагига қараганда анча катта эди. Колхозчилар ўша йили эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаб, пахта устида астойдил ишлашни давом этдирдилар, иш тажрибасини оммалаштирдилар ва 1947 йилда яна зўр ғайрат блан ишладилар. Кузга келиб, ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта ҳосили олинди. 1948 йилда гектар бошига 37 центнердан пахта топширилди. Бу—колхоз тарихида анча юқори ҳосил ҳисобланар эди. Бултур ҳам пахта юқори ҳосили учун қаттиқ кураш олиб борилди. Колхоз ерида илгари кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Тошкентдан Янгийўл районининг марказига бориб, Катта бозор кўчасидан тўғри юрасиз. 3 километр йўл босганингиздан кейин, қаршингизда янги бун'ёд бўлган хушрўй бир қишлоқ кўринади. Катта кўчанинг ўнг томонида эндигина битиш олдида турган, тагида цементдан ишланган ертўласи бўлган қўшқават бино, унинг яқинида мактаб, колхоз правлениесининг идораси, ундан сал юқорироқда магазин, чап томонда эса, катта чойхона, гараж бинолари келади. Бу катта кўчанинг ҳар икки томонида колхозчиларнинг янги типдаги иморатлари, оқ уйлар, кенг ҳовлилар, қизил, ҳаворанг бўёқли янги эшиклар кўзга ташланади. Мана шу шаҳарча тусини олган жой — Ворошилов номли колхоз қишлоғидир.

Гараждан 20—30 одим юриб, чапга бурилсангиз, колхознинг асосий пахта далалари бошланади. Бу далаларда шу кунларда ҳаёт қайнамоқда, колхозчиларнинг кун бўйи қилаётган ҳалол меҳнати бу далаларнинг бир хуснига ўн хусн қўшмоқда. Мовий осмонда барқ уриб порлаётган кўклам қуёши, соф ҳаво, эндигина ердан униб чиқаётган барра майсалар, кўкламнинг ўзига хос ҳидлари, тракторлар блан ҳайдалиб қорайиб ётган поёнсиз далалар кўнгилда чексиз севинч ҳислари туғдиради.

Биз 4-нчи бригадага қараб бормоқдамиз. Текис ерлар камдан-кам учрайди. Ҳаммаси баланд ва пишаблардан иборат. Колхоз қўлидаги 174 гектар ернинг бари шу хилда экан, ўқучи биздан: «хўш, бу жойда пахта қандай қилиб ўстирилади?» деб сўрайди.

Биз бу саволга жавоб топиш учун 4-нчи бригаданинг 1-нчи звеносига мурожаат қиламиз.

Биз 1-нчи звено ерига келганимизда бир тўда ёш йигит ва қиз тушлик қилар эдилар. Улар ичида 75 ёшлар чамасида бўлса ҳам, аммо ҳали унча қаримаган, новчадан келган, барваста, чўзиқ юзли, қалин қошли, соқол-мўйлаби эндигина мош-гуруч бўлган, бошида чуст дўппи, оқ яктаги устидан иш белбоғи боғлаган, оёғидаги қайтарма этиги блан чордана қуриб ўтирган чол кўринади. Бу киши шу звенонинг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назарали ота Ниёзов эди. У биз блан иссиққина кўришди. Тушликдан кейин бизни звенонинг пахта майдонига бошлади. Ота бизга бу тепа ва пастликларда қандай қилиб пахта ўстирилаётганлигини ҳикоя қилиб берди.

Ота 1947 йилда 4-нчи бригададаги 1-нчи звенога бошлиқ қилиб тайинлангач, звено а'золари блан биргаликда астойдил ишга берилди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 10 тоннадан эски тупроқ, 15 тоннадан маҳаллий ўғит, 250 килограммдан суперфосфат солинди. Бригада бошлиғи ўртоқ Фозилов бир куни трактор олиб келди. Ер яхшилаб ҳайдалди. Трактор юролмайдиган қия жойларда от плугидан фойдаланилди. Ер жўяк олишга тахт бўлди. Бу звено ерида бир оз текисликдан кейин пастлик, ундан кейин яна баландлик бошланади. Баландликни амалтақал қилиб суғориш ва культивация қилиш мумкин. Аммо унинг ён бағирлари ва пастликларида бу ишни қандай қилиб амалга ошириб бўлади? Суғорилган вақтда, сув юқоридан келиб, бирдан шувиб кетмайдими, бир жўякдаги сув бошқа жўякларга ўтиб кетиб, ҳаммаёқни пайхон қилмайдими, ёки икки томондаги юқорилдан тушган сув ўртадаги сойликка тўпланиб, у ердаги ғўзаларни босиб кетиб, икки ўртада анҳор ҳосил қилмайдими? Хуллас, бу звено майдонида, Назарали отанинг сўзи блан айтганда, ишнинг ўнқови йўқдек кўринар эди. Ота ер ҳайдаш олдидан ўзича бир режа тузиб қўйган эди. Бу режага мувофиқ, жўякларни юқоридан пастликка тик қараб эмас, балки баландликларнинг узунасига қараб, ёнбағирлатиб, олдин-кетин олиб тушиш кўзда тутиларди. Бунда сув бирдан тезоб бўлиб пастга югириб кетмай, аста-аста жилдираб оқар, ғўзаларни мириқтириб суғориш мумкин эди. Назарали ота 6 гектар ерни шундай қилиб планлаштирди. Ҳамма иш тугаллангач, чигит экилди. Орадан 2—3 кун ўтгач чигит суви берилди. Бунда ҳар гектар ерга сув блан қўшиб 300 килограммдан селитра берилди, ўз вақтида ягана қилинди, биринчи суғоришда гектар бошига яна 300 килограммдан селитра, иккинчи суғоришда гектар бошига 250 килограммдан суперфосфатни чириган гўнг блан қўшиб солинди. Назарали ота ўзининг кўп йиллик тажрибаларини тўла ишга солди, биринчи-иккинчи суғориш вақтида «кесак суғориш» йўлини қўллади. Қатор ораларининг ярми нам, ярми қуруқ қолдирилди. Қуруқ тупроқлар қизиди, нам тупроқнинг нами унга ўтиб, ерни бўрсиллатиб юборди. Минерал ўғитлар ғўзани айниқса бақувват қилди. Селитра ғўзани барқ уриб ўстирди, калий эса нам пайдо қилди, суперфосфат блан аралаштириб солинган чириган гўнг ерни қўзилатиб, ғўзаларда ҳосил шохларини кўпайтирди.

Назарали ота звеноси ғўза парвариши даврида эртадан кечгача кун тиғасидан баҳраманд бўлучи ерларни, шунингдек қуёш нури кеч тушадиган пастликларни алоҳида ҳисобга олди-да, ўғитлашни шунга қараб давом этдирди. Кун тиғаси тушадиган ерларга камроқ, пастқам-салқин ерларга ундан кўпроқ ўғит солди, звено а'золари бундай ерларда талай куч сарф этдилар. Суғориш, чопиқ, культивация ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилди. Трактор культивацияси ўтказиш мумкин бўлмаган жойларда от ва ҳўкиз блан культивация қилинди.

Ўша йили бу звено а'золари 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 86,7 центнердан пахта топширдилар. СССР Олий Советининг Президиуми пахта устаси Назарали ота Ниёзовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий унвон берди.

Назарали ота звеносидаги баланд-пастлик ерлардан бир қисми 3-нчи бригаданинг Абдулла Норқулов бошлиқ 2-нчи звеносида ҳам бор. Лекин бу икки звено ишида бир қарашдаёқ катта тафовут кўринади. Назарали ота звеносидаги паст-баланд ерлар бир бутун ва текис шаклга келгандай туйилади. Ғўзалар мириқтириб суғорилган, усталик блан культивация қилинган, ҳосил ҳам шунга қараб мўл бўлган. Биз ҳали ҳайдалмаган қия жойдаги бултур кузда машина қирқиб кетган яримта ғўза тупини суғуриб олдик. Агар ишонсангиз, бу туп теша сопидан сал ингичкароқ, холос. Шундан кейин, биз 3-нчи бригаданинг 2-нчи звеносига бориб, ўшанақа қия жойдаги бир ғўза тупини суғуриб олдик ва ҳар иккаласини солиштириб кўрдик. Иккисининг ўртасида катта фарқ бор эди. Бу звеноники чақалоқ боланинг жимжилоғидек ингичка, узун ва қилтириқ эди. Ҳозир бу звенонинг ери ҳам Назарали ота звеносидаги каби планлаштирилмоқда. Назарали ота бу ишда ўзининг бой тажрибаси блан ёрдам бермоқда.

Бу йил колхоз ҳар гектар ердан 40 центнердан, 4-нчи бригада 45 центнердан, шу бригаданинг Назарали ота бошлиқ звеноси эса 100 центнердан пахта етиштириш учун кўклам экиш кампаниясини моҳирлик блан олиб бормоқдалар. Бошқа бригадаларнинг мажбуриятлари ҳам 40 центнердан кам эмас.

Колхозда ҳозир бу катта мажбуриятга яраша иш қилинмоқда. Алмашлаб экиш бўйича 26 гектар бедапоя бузилиб, ҳайдаб қўйилди. Далага 1.500 тонна маҳаллий ўғит, 20 тонна тупроқ чиқарилди, 26 минг кубометр тепалик бузилди, ҳайдаш олдидан 50 гектар ерга минерал ўғит солинди, 30 минг квадрат метр узунликдаги ариқзовур тозаланди. 68 минг килограмм селитра, 15.100 килограмм калий, 103.470 килограмм суперфосфат, 10 минг килограмм ҳархил ўғит ташиб олинди.

Звено а'золари кузда кўмилган гўнгларни очиб, замбарларда далага олиб чиқиб тўкмоқдалар. Биз улар ишлаб турган жойга келганимизда, Назарали ота бизни бир четга таклиф қилди. Бордик. У, тўхталида, оёқ қўйиб турган жойини босиб-босиб кўрди, бу жой худди бирнеча арава похол кўмилган ердек юмшоқ эди. Чол тупроқ бетини қўли блан очди, ичидан ғўза пўчоқлари чиқди. Пўчоқ тамоман чириб, гўнг ҳолига келган эди.

— Ҳа деб ҳар йили гўнгни қаердан топасиз, — деди у бизга кулиб қараб, — мана ғўза пўчоқлари, юзаки қараганда, э'тиборсиз нарса, кеч кузда далаларда ҳам қолиб кетаберади, агар уни йиғиб-териб олиб, ерга қўмилса-чи, қиш бўйи чириб ётиб, кўкламда сизга тайёр гўнг бўлади. Буни кетман блан сал-сал уриб юборилса, майдаланиб кетади, тупроққа қориштирсангиз, уни хамир каби ошириб юборади.

Ворошилов номли колхоз а'золари: «бу ерларда фақат янтоқ битади» деб юрилган тепалик-пастликларни ўз иродаларига бўйсундириб, уни йўлга солдилар, ҳосилдор пахтазорга айлантирдилар, большевиклар ололмайдиган қўрғон йўқлигини амалда исбот этдилар. Эндиги вазифа — йил сайин шу ерларнинг унумдорлигини ошириб боришдан иборат. Колхоз а'золари алмашлаб экиш, турли маҳаллий ўғитлар тайёрлаш, минерал ўғитдан, механизациядан янада тўлиқ фойдаланиш орқали бу вазифани ҳам бажариб бормоқдалар. «Сиздан угина, биздан бугина» деганларидек, ерга қанча кўп куч сарф этилса, ҳосил шунча кўп олинади. Буни колхоздаги ҳарбир киши жуда яхши тушунади.

Ворошилов номли колхоз а'золари бу йилги социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш, Ватанга ҳар йилгидан ҳам кўпроқ пахта топшириш учун ўзларининг қадрли ерларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ориф ЮНУС.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Жанубий Қурия партизанларининг муваффақиятли жанг ҳаракатлари

ПХЕНЬЯН, 24 март. (ТАСС). «Нодон синмун» газетаси «Қўғурчоқ ҳукуматининг Жанубий Қурия партизанларини йўқотиш учун қиш фаслида ўтказган жангларн барбод бўлди» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Лисинманчи қўғурчоқ армия штаби америкали ҳарбий маслаҳатчиларнинг фармойиши билан қишки ҳужум планини тузган эди. Бу план куз фаслидэ партизанларни тор-мор келтиришни кўзда тутар эди. Ли Син Ман америкаликлар томонидан тузилган бу план блан жуда мақталиб, менинг армиям қиш бошланишигача партизанларни тор-мор келтиради..., деб да'во қилган эди. Америка қўл остидаги қўғурчоқ ма'мурлар бутун Жанубий Қурияни беш районга бўлиб, бу районларнинг ҳарбирига биттадан жазо дивизияси юбордилар. Бундан ташқари, полициянинг кўп кучлари ва террорчи отрядлар шу дивизиялар ихтиёрига топширилган эди. Америкаликлардан олинган энг янги қуролларнинг кўп қисми ҳам мазкур районларга юборилган эди.

Қуруқликдаги қўшинларга авиация мадад бериб турди. Жазо операцияларн планини тузган америкали офицерлар партизанларни қўллаб-қувватлаган халқ оммасини қирмай туриб партизанларни йўқотиш мумкин эмаслигини билар эдилар. Шу сабабдан улар, даставвал, партизанлар блан маҳаллий аҳоли ўртасидаги алоқани бузишга урун дилар. Қўғурчоқ ҳукумат 1949 йил 25 декабрьда Дирисан тоғларига яқин бўлган Курэ, Хамен, Санчен, Хандон ва бошқа уездлардаги аҳолининг ўз турар жойларидан 100 метрдан ортиқ нари кетишини тақиқлади ва бунинг натижасида тақиқланган доирани вужудга келтириб, партизанларни озиқ-овқат ва кийим-кечак олиб туриш имкониятидан маҳрум этди. Шу йил 5 февральда Шимолий Кенсан вилоятининг шарқи-шимолий районидаги йўлларда ҳарқандай қатнов тақиқланди.

Партизанларга қарши уюштирилган жазо операцияларн халқни қаттиқ газабланти рмоқда. Бу операциялар америка империалистларининг мустамлакачилик снёсатига қарши ва Ли Син Ман қўл остидаги хоин ҳукуматга қарши умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириб юборди. Ли Син Ман ҳукумати халқ блан алоқани тамомила узди ва бу блан ўзининг ҳалок бўлиш пайтини яқинлаштирди.

Дирисан районидаги партизанлар қишки жангларга жуда яхши тайёрландилар. Улар хужумга ўтиб, Санчен уездида қўғурчоқ ҳукумат қўшинларига қат'ий зарба бердилар ва уларни улоқтириб ташлаб, уезд марказн Мюдюни ишғол қилдилар. Жанубий Чолла вилоятининг ғарби-жанубий районида қўғурчоқ ҳукумат қўшинларининг ҳужуми шу тарзда тамомила барбод қилинди. Қўғурчоқ ҳукумат армиясининг икки дивизияси ўтган йил декабрь ойининг охиридан бошлаб шу йил январь ойининг иккинчи ярмигача бу районда партизанларга қарши яна ҳужум бошлаган ва қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаракатларига авиация ёрдам бериб турган эди. Аммо, халқнинг энг яхши фарзандлари Ким Ди Хи, Хон Сун Сек ва бошқалар қўмондонлигидаги партизанлар бу сафар ҳам душманни тамомила тор-мор келтирдилар. Айни замонда Шимолий Кенсан вилоятининг шарқи-жанубий районидаги партизанлар қўғурчоқ ҳукматининг ҳужум бошлаган қўшинларига қарши кенг миқ'ёсда жанг бошладилар. Партизанлар декабрь ойининг бошларида Андон — Хваксан районида лисинманчи қўшинларни бутунлай тор-мор қилдилар. Январь ойида партизанлар Гендю, Эримсон, Енхя, Пходон районларида жазо операцияларини барбод этиб, душманга катта талафот етказдилар ва жангларда катта муваффақиятларга эришдилар. Дирисан ва Тхябяксан районларида лисинманчи армиянинг қиш фаслидаги ҳужумига шу тарзда зарба берилди. Бу районларда лисинманчиларнинг энг моҳир командирлари кўмондонлигида уч дивизия тўпланган эди. Партизанлар ҳаракатини бостириш учун қиш фаслида ўтказилган операцияларга миллий мудофаа министри ва қуруқликдаги қўшинлар штабининг бошлиғи раҳбарлик қилдилар.

Февраль ойининг охирларида лисинманчи армиянинг бош ҳарбий маслаҳатчиси, америка генерали Робертс, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия комиссияси деб аталган комиссиянинг а'золари жанг ҳаракатлари районига келдилар. Америка генерали Робертс уруш ҳаракатларига шахсан раҳбарлик қилди.

Қўғурчоқ ҳукумат партизанлар жойлашган иккита энг йирик районда, я'ни Дирисан ва Тхябяксан районларида икки ой мобайнида партизанларни тамомила қириб ташламоқчи бўлган эди. Аммо қақшатғич зарбага учраган қўғурчоқ ҳукумат яна ҳужум бошлашга шу вақтгача жур'ат этаолмаётир».

Газета мақоланинг охирида бундай деб ёзади: «Халқ қаҳрамонларининг кучлари тўхтовсиз ўсмоқда. Ҳечқандай армия уларни енгаолмайди, чунки бу кучлар халққа душман бўлган тескаричи тўдага қарши курашаётган бутун халқнинг кучларидир».

ПХЕНЬЯН, 24 март. (ТАСС). Қурия Марказий телеграф агентлиги билдиради: Тхябяксан районидаги партизан отрядлари лисинманчи армиянинг жазо қисмларига қарши дадил ҳужумга ўтиб, қўшин ва полиция қолдиқларини тўхтовсиз тор-мор келтирмоқдалар. Партизанларнинг катта отрядларидан бири 16 мартда Канвон вилоятининг жанубий қисмидаги Уридин уездида 2-нчи дивизиянинг 5-нчи ва 16-нчи полкларидан қолган-қутган аскарларни қуршаб олди ва уларга катта талафот етказди. 250 кишидан иборат бошқа бир партизан отряди чекинган қисмларни қувиб бориб, Енян уезднинг (Шимолий Кенсан вилояти) Сухадо қишлоғида лисинманчи қўшинларнинг уч ротасини ўраб олиб, тамомила қириб ташлади. Шу вилоятнинг Ендек уездида партизанлар қаттиқ жанг натижасида 25-нчи полк 1-нчи батальонининг тўрт ротасини тор-мор келтирдилар. Чансун волостидаги партизанлар қўғурчоқ армиянинг икки взводини қириб ташладилар.

«Нориондзя» газетаси билдиради: партизанларнинг жанг ҳаракатлари блан бирқаторда ҳамма жойда деҳқонлар кўзголон қилмоқдалар. Шимолий Кенсан, Жанубий Кенсан ва Жанубий Чолла вилоятларининг деҳқонлари тескаричи помешчик ва хоинлардан қаттиқ ўч олмоқдалар, шунингдек митинглар уюштириб, ўз кучлари блан ер ислоҳоти ўтказиш ҳақида қарор чиқармоқдалар.

Сан-Северода Италия меҳнаткашларидан қонли ўч олинди

РИМ, 24 март. (ТАСС). Кеча Апулия областида аҳвол кескинлашиб кетди. Пармада ишчиларнинг отилганлиги тўғрисидаги хабар бу ерда халқнинг норозилигини яна кучайтириб юборди. Фодж вилоятининг меҳнат палатаси умумий ишташлашни яна 24 соат давом этдиришга қарор қилди.

«Унита» газетаси хабар беради: Фодж вилоятининг Сан-Северо шаҳрида полиция ходимлари меҳнат палатаси олдида йиғилган меҳнаткашларга қарши маҳаллий фашист унсурлар блан биргаликда фитна уюштирдилар. Полиция намойишчиларни ҳайдаб, қамоққа олган ва тинтиган вақтида, фашистлар (улар худди Муссолини вақтидагидек, «фашистлар партияси тузилганининг йиллигини нишонлаётган» эдилар) кўчаларда ўқ уза бошладилар.

Меҳнаткашлар фитна уюштирган полиция ходимларига ва фашистларга зарба бериб уларни қуролсизлантирдилар. Шаҳарда барикадалар қурилди. Полиция ходимлари ва фашистлар уй дераза ларидан ва черкав минораларидан меҳнаткашларни ўққа тутишни давом этдирдилар. Фодждан чақирилган полиция мадад кучлари компартия секциясининг биносини қуршаб олдилар. Полиция компартия раҳбарларини қамоққа олган вақтда, фашистлар бинони алғов-далғов қилиб ташладилар.

Кўчалардаги кураш бирнеча соат давом этди. Ҳар иккала томондан кўп киши ярадор бўлди. Кейинчалик етиб келган қаттиқ полнция қисмлари шаҳарни ўраб олиб, қисмал ҳолати жорий қилдилар. Меҳнат палатаси биносини полиция ишғол қилди. Меҳнаткашлардан ярадор бўлган 18 киши касалхонага жўнатилди. Полиция ходимлари ва фашистлар орасида ҳам ўлган ва ярадор бўлган кишилар бор. Полиция 70 кишини, шу жумладан демократик ташкилотларнинг раҳбарларини ҳам қамоққа олди.

Апулиянинг бошқа марказларида ҳам кеча халқ намойишлари ва тўқнашувлар бўлди. Черинъолга полиция мадад кучлари юборилди. Кротонда (Калабрия) меҳнат палатасининг секретари ва бошқа касаба союз раҳбарлари тўсатдан қамоққа олинганликлари сабабли ғалаёнлар яна бошланди. Меҳнат палатасининг секретари ва мазкур раҳбарлар умумий ишташлаш арафасида, бу зонада митинг ва намойишларни тўхтатиш тўғрисида вилоят бошлиғининг буйруғини бузиб, митинг ташкил килганликлари учун қамоққа олинганлар. Кротондаги барча меҳнаткашлар «итальянча ишташлаш» э'лон қилиб, ишга тушишдан бош тортдилар. Саноат корхоналарининг эгалари шаҳар бошлиғи блан бирга Катандзаро вилоятининг бошлиғи ҳузурига келиб, касаба союз раҳбарларини қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилишни талаб этишга мажбур бўлдилар. Вилоят бошлиғи қамоққа олинганларни бўшатиб юборишга рухсат берди. Шундан кейин Кротонда осойишталик бошланди.

Халқнинг қаттиқ норозилик намойиши

ИТАЛИЯДА ПОЛИЦИЯ ТЕРРОРИНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛГАН БИР ИШЧИНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

РИМ, 24 март. (ТАСС). 22 мартдаги умумий ишташлаш вақтида полиция ишсиз Альбертини ўлдирган эди. Кеча Парма меҳнаткашларидан ва Эмилия областидаги меҳнаткашларнинг вакилларидан иборат 150 минг киши Альбертини кўмиш маросимида қатнашди. Мотам маросимининг қатнашчилари бирнеча соат мобайнида шаҳар кўчаларидан ўтдилар. Мотам митингида Умумиталия меҳнат уюшмасининг секретари Санти, шаҳардаги касаба союз ташкилотларининг раҳбарлари, компартия ва социалистик партия федерацияларининг секретарьлари, металлистлар касаба союзининг секретари Роведа, Римдан келган парламент а'золари ва Парма ҳамда Модена шаҳар бошлиқлэри нутқ сўзладилар.

Шундан бир кун илгари кечқурун Парма вилоят идораси 15 апрельгача митинг ва намойишларни тақиқлаш тўғрисида буйруқ чиқарган эди. Аммо Италия ҳукуматининг кейинги қарори асосида кўрилган бу тадбир дафн этиш маросими муносабати блан бошланган буюк халқ намойишига ҳечқандай та'сир кўрсатаолмади.

Болонье ва Флоренцияда корхоналарнинг ишчилари кеча Парма меҳнаткашлари блан ҳамкор экангликларини билдириб бирнеча соатга иш ташладилар.

Италиядаги сиёсий аҳволга доир

РИМ, 24 март. (ТАСС). Умумиталия меҳнат уюшмаси (ВИКТ)нинг ташаббуси блан коммунистлар ва социалистлар партиялари, шунингдек «унитар социалистлар партияси» (Ромита тарафдорлари) вакилларининг кенгеши бўлди. Кенгашда де Гасперн ҳукумати томонидан юргизилаётган сиёсатга, я'ни меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиш сиёсатига қарши биргалашиб курашиш масаласи муҳокама қилинди. Кенгашда бу партиялардан ҳарбири, мустақил равишда ҳаракат қилгани ҳолда, ҳозирги вақтда эқилмай бўш ётган ерларни деҳқонлар ихтиёрига бериш тўғрисидаги қонунларнинг амалга оширилиши учун курашади, корхоналарни ёпиш ва ишчиларни тегишли ишҳақини тўламай ишдан бўшатиш сиёсатига қарши курашади, гражданлик эркинликларини бекор қиладиган ҳукумат тадбирларига қарши норозилик билдиради деб битимга келинди.

«Унитар социалистлар партияси»нинг вакиллари ВИКТ тақдим этган бошқа бир қанча таклифларни, жумладан парламентнинг конституцияни ҳимоя қилишга интилаётган барча а'золари кенгашини чақириш тўғрисидаги таклифни қабул қилмадилар. Либераллар партиясининг раҳбарлари эса ҳукумат коалициясига кирмаган партияларнинг вакиллари кенгашида қатнашиш ҳақидаги ВИКТ таклифини рад этдилар.

Саффузар (католик ва саранатчи) касаба союз марказларининг раҳбарлари барча меҳнаткашларнинг манфаатларини (уларнинг қайси касаба союзда а'зо бўлишидан ва сиёсий маслакларидан қат'ий назар) ҳимоя қилиш воситаларини биргалашиб муҳокама қилмоқ учун ўз вакилларини белгилаш тўғрисидаги ВИКТ таклифига жавоб бермадилар.

ХИТОЙДА ТАБИАТНИ ЎЗГАРТИРИШ ПЛАНИ

ПЕКИН, 24 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитой Марказий халқ ҳукумати сув тошқинларининг олдини олишни ва сувдан далаларни суғориш учун фойдаланишни кўзда тутган ғоят катта планни амалга оширмоқда.

Бу планга мувофиқ, бу йилги вазифа бирнеча миллион акр ерни сув босиш хавфидан қутқазишдан, суғориладиган ер майдонларини таҳминан бир миллион акр кенгайтиришдан, шу блан дон экинлари ҳосилини 5 миллион тонна кўпайтиришдан иборат бўлади.

1950 йилги планда дар'ё тўғонларини тузатиш, ботқоқ ерларни қуритиш, ирригация каналлари қазиш, дар'ёларни лойдан тозалаш каби бирқанча катта ишлар кўзда тутилади. Янцзи, Хуанхэ, Хуайхэ ва бошқа дар'ёлардаги тўғонларни кенгайтириш ишлари планда катта ўрин тутади. Планнинг бу қисми, — қарорда айтилишича,— уч ой ичида, ёнингарчилик бошлангунча, батамом бажарилиши лозим.

Планда Маньчжурияда 3 минг километр узунлигида канал қазиш, Цзянсу вилоятининг шимолий қисмидаги Қатта канал участкаларини тозалаш, денгиз соҳилида ўтган йили тошқин вақтида бузилган тўғонларни тиклаш (бу тўғонлар Цзянсу ва Чжэцзян вилоятларидаги бирнеча миллион акр унумдор ерларни тошқиндан сақлайди), шунингдек қисқа муддатда ўтказиладиган бирқанча бошқа муҳим тадбирлар ҳам кўзда тутилади.

Шарқий Хитойдаги И ва Шухэ дар'ёларида қилинадиган ишлар ҳаммадан кўпроқ вақт талаб қилади. Бу участкадаги ишлар 1952 йилда битказилади. Шундан кейин бу икки дар'ёнинг суви ташлама каналлар бўйлаб денгизга оқизилади. Шу блан $3^1/_3$ миллион акр ер сув тошқини хавфидан қутқазилади.

НОРВЕГИЯ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ КОНГРЕССИ ОЧИЛДИ

ОСЛО, 24 март. (ТАСС). Бугун Ослода тинчлик тарафдорларининг конгресси очилди. Конгрессни Норвегия тинчлик тарафдорлари комитети чақирди. Конгрессга Норвегиянинг ҳамма районларидаги тинчлик тарафдорлари маҳаллий комитетларидан 120 вакил келди.

Конгрессда қатнашмоқ учун Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг вакиллари: франциялн аббат Буле ва австралияли тараққийпарвар ёзувчи Руперт Локвуд ҳам келдилар.

Конгресс тантанали суратда очилгандан кейин Норвегия тинчлик тарафдорлари комитетн раисининг ўринбосари Мими Свердруп Лунден «Бутун дун'ёда тинчлик учун кураш» деган мавзу'да доклад қилди.

ГРЕЦИЯ ҲУКУМАТИ ТУЗИЛДИ

АФИНА, 24 март. (ТАСС). Либераллар раҳбари Венизелос кеча қуйидаги составда ҳукумат тузди: Венизелос — бош министр ва ташқи ишлар министри, Панайотис Канеллопулос — бош министр ўринбосари ва ҳарбий министр, Фотис Займис — молия министри, Спавсаниас Капотас—ички ишлар ва жамоат тартиби министри, Григориос Қасиматис — матбуот, миллий экономика ва адлия министри, Иоаннис Главанис —соғлиқни сақлаш ва ижтимоий та'минот министри, Димитриос Гонтикас — та'минот министри, Эвстратиос Маламидас — транспорт ва алоқа министри, Георгеос Афанасиадис-Новас — маориф министри.

Шундай қилиб, Венизелос ҳукуматида дастлабки ма'лумотларга кўра, парламентда 55 депутати бўлган либераллардан ташқари яна Канеллопулос партияси ҳам қатнашмоқда. Бу партия парламентда 7 депутатга эгадир. Аммо ҳали ҳукумат халқ партиясининг ва бошқа ўтакетган ўнг гуруҳларнинг овозига умид боғлайди.

Титонинг Греция ҳукумати блан музокаралар олиб бораётганлиги тўғрисида «Ньюсуик» журналининг ёзганлари

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). «Нюсуик» журнали Тито тўдасининг ҳарбий масалалар юзасидан Греция ҳукумати блан махфий музокара олиб бораётганлигини билдиради. Тито.—деб ёзади журнал,— Коминформга қарши «биргалашиб мудофаа қилиш тўғрисидаги» масалани Греция вакиллари блан махфий суратда муҳокама қилмоқда. «Тито махфий суратда Булғориядаги ўз кишиларига ҳам қурол-яроғ ва пропаганда материаллари юбормоқда».

Пойтахтимизда



Суратда: Навоий кўчасида Чирчиқстрой бошқармаси учун қурилган бинонинг кўриниши. **И. Глауберзон фотоси.**

Композитор Р. М. Глиэр концертлари

Кеча Калинин районидаги Сталин номли колхозда Ўзбек филармонияси симфоник оркестрининг концерти бўлди.

Концертда композитор Р. М. Глиэр асарлари: «Фарғона байрами» увертюраси, «Қизил гул» балетидан олинган рақслар, «Гулсара», «Лайли ва Мажнун» операларидан ариялар ижро этилди. Бу асарлар музикасининг автори, Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти Р. М. Глиэр дирижёрлик қилди.

Концертда солистлардан Ўзбекистон ССР халқ артистлари Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Фотима Борухова, Карим Зокиров, Гулом Абдурахмоновлар қатнашдилар.

Концерт катта муваффақият блан ўтди. Колхозчилар отоқли совет композиторини самимий кутиб олдилар.

Бугун Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида композитор Р. М. Глиэр туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати блан иккита юбилей спектакли бўлади. Кундузи Сталин мукофоти лауреати Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Галия Измайлова иштироки блан «Қизил гул» балети қўйилади. Бунга Р. М. Глиэр дирижёрлик қилади. Кечқурун «Гулсара» спектакли қўйилади.

Эртага соат 19 дан 25 минут ўтганда радио орқали симфоник концерт берилади. Концерт программасида Р. М. Глиэр асарларидан «Шоҳсанам» операсига ёзилган увертюра, «Мис чавандоз» балети сюитасининг тўрт қисми, «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» операларидан ариялар ижро этилади.

Агитмашина ва кўчма кутубхоналар

Шаҳар маданий-оқартув муассасалари бўлимининг бир группа лектор ва пропагандистлари яқинда отаклидаги районларга жўнаб кетдилар. Кўклам экиш кампанияси даврида колхоз ва МТС ларда ижтимоий-сиёсий ва илмий темаларда 140 та доклад ўтказиш мўлжалланади. Колхозчиларга хизмат қилиш учун 16 агитмашина ва 31 кўчма кутубхона ташкил этилади.

Бадиий ҳаваскорлар бригадаси отаклидаги колхозларда 150 дан ортиқ концерт қўйиб берадилар.

Янги спектакллар

Тошкентдаги рус драма театрлари янги спектакллар тайёрламоқдалар. Округ офицерлар уйи театрида яқинда драматург Поповнинг «Сила» номли асари саҳнага қўйилади. Бу асарда Владимир Ильич Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятининг биринчи даври акс этдирилган.

М. Горький номли театрнинг коллективи М. Горькийнинг «Егор Буличев» асарини тайёрламоқда. Буличев ролини республика халқ артисти Никомаров ижро этади.

Кўча ва йўлкаларга асфальт ётқизилмоқда

Шаҳардаги кўча ва йўлкаларни асфальтлаштириш иши бошланди. Жуковский кўчасига асфальт ётқизиш тугалланаётир. Шота Руставели кўчасидаги магистральни асфальтлаштиришга тайёргарлик ишлари тугалланди.

1 Майга қадар Навоий, Коммунал, Весна, Светлая ва бошқа кўчаларнинг йўлкаларига асфальт ётқизилади.

Йил охиригача шаҳардаги майдонларда 170 минг квадрат метр жойга асфальт ётқизилади.

«Болалар китоби ҳафталиги»

Болаларни совет адабиётининг энг яхши асарлари асосида коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш, уларнинг қандай китоблар блан қизиққанликларини ўрганиш, болалар адабиётига жамоатчиликнинг э'тиборини тортиш ва мавжуд камчиликлардан янада яхшироқ фойдаланиш мақсадида, шу йил 27 мартдан 1 апрельгача «Болалар китоби ҳафталиги» ўтказилади.

Қасаба союзларига қарашли клуб, кутубхоналарда адабий эрталиклар ва кечалар ўтказилади. Ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва ишлабчиқарин илғорлари болалар блан учрашадилар, шунингдек конференциялар уюштирилади.

29 мартда Свердлов номли концерт залида мактаб болаларининг умумшаҳар адабий эрталиги бўлади. Эрталикда сан'аткорлар, шоирлар ва пойтахтдаги донгдор кишилар қатнашадилар. Китоб блан савдо қилувчи ташкилотлар болалар учун бадиий китоблар сотадилар.

Талантли артистнинг ижодий кечаси

Муқимий номли музикали драма ва комедия театрининг артисти Маҳмуджон Ғафуров театр соҳасида узоқ йиллар хизмат қилиб, катта ижодий йўлни босиб ўтди. У. «Нурхон», «Фарҳод ва Ширин», «Алпомиш» ва бошқа спектакльларда бош ролларни ижро этиб, тамошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми М. Ғафурова Ўзбекистон ССР халқ артисти деган фахрий унвонни берди.

Яқинда театрда М. Ғафуровнинг ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечага 800 дан ортиқ киши келди. Кечада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Муҳамедов доклад қилди. Докладдан сўнг М. Ғафуров ва Муқимий номли театр артистларининг ижросида катта концерт берилди.

Бадиий асарлар виставкаси

Навоий номли Давлат халқ кутубхонасида Ўзбекистон ёзувчилари асарларининг виставкаси очилди. Кутубхона ходимлари ўзбек совет ёзувчиларининг ижоди ҳақида китобхонлар ўртасида доклад ва лекциялар ўқимоқдалар.

22 мартда кутубхонада ёзувчиларнинг китобхонлар блан учрашув кечаси ўтказилди.

Дарахт кўчатлари савдоси

«Дарахт ўтказиш ҳафталиги»да шаҳардаги гул дўконлари ва колхоз бозорларида мевали ва бошқа дарахт кўчатлари кўплаб сотилмоқда.

Сўнгги кунларда фақат шаҳар кўчатхоналари базаси ва унинг жойлардаги дўконларида аҳолига 50 минг туп манзарали, 200 минг туп безакли ва 12 минг туп мевали дарахт кўчати сотилди.

Бу йил аҳолига тарқатилган гул кўчатлари ичида лимон, апельсин, олма, анор, ёнғоқ, ўрик ва бошқа хил мева кўчатлари бор.

Мас'ул муҳаррир:
Х. ҒУЛОМОВ.

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

Суд раисининг янги найрангги

Тошкент область судининг раиси ўртоқ Маҳшар Абдуллаев раислигида 1948 йил октябрь ойида ўтказилган суд мажлисида бир савдогар ва унинг норбаччалари устидан қўзғотилган жиноий иш кўрилган эди. Ҳалол меҳнат қилмай, найрангбозлик блан давлат ва жамоатчиликни алдаб, ўғирлик, талончилик қилиб келган Сулаймонбой ва унинг шериклари суд залида ҳам ҳийла-найранг ишлатабошладилар. Суд залидаги кишилар уларнинг найрангбозлигидан газабландилар. Лекин найрангбозлик юқимли «касал» эканми, билмадик, ўртоқ Абдуллаев ҳам шу дард блан лоп этиб «оғриб» қолди.

Бу «касаллик»нинг аломатлари яққол сезилар экан. Суд раиси ўртоқ Абдуллаевнинг баданлари жимирлашиб, кўз ўнгни қоронғилашиб кетди. Бой ва унинг пихини ёрган норбаччаларига шундай «раҳми» келдики, ўзини зўрга тутиб олиб, хиёнатчиларнинг гуноҳи кечириб юборилсин, деб ҳукм чиқарди.

Ўзбекистон ССР Олий Суди найрангбозлик блан «бетоб» бўлиб қолган Абдуллаевни «бюллетенъда» деб ҳисоблаб, бу ишни ўзи қайтадан кўриб, ҳал этди. Олий суд жуда тўғри ҳукм чиқарди. Сулаймонбой Юсупов, Музаффар Сулаймонов ва Абулқосим Расулевларнинг ҳарбири 10 йилдан қамоқ жазосига ва мол-мулкларини мусодара қилишга ҳамда 5 йилдан сайлов ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Олий суд ҳукмидан кейин, жамоат ва партия ташкилотлари ўртоқ Абдуллаевнинг бу хавфли «касаллик»дан қутилиши учун та'сир этабошладилар. Аммо шуни айтиш керакки, ўртоқ Абдуллаев бу дардан тамомэн қутилиб кетган эмас, унинг дарди тез-тез қайталаб турибди.

Шу кунларда ўртоқ Абдуллаевдаги бу дарднинг асорати яна хуруж қилди. Унинг бу галги найрангбозлик «ситмаси» яна большевистик матбуотда фош этилган фактларни йўққа чиқариш блан бошланди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 13 февраль сонида босилган «Суюнчи» фельетонида ва область прокурори ўртоқ Шерхўжаевнинг 4 сентябрьдаги «Колхоз жамоат мулкини талон-торожликдан сақлайлик» сарлавҳали мақоласида Тошкент область, Қалинин районидаги Киров номли колхознинг собиқ раиси А. Аҳмедов, колхоз бухгалтери Х. Мулюков, экспедиторлардан Х. Додаматов, Р. Иброҳимов ва бошқалар жамоат мулкини талон-торож қилиб, бирнеча юз минг сўм пулни ўзлаштирганликлари, колхоз ҳисобига ўзлари учун уй-жой солиб олганликлари очиб ташланган эди.

Колхоз раиси Аҳмедовнинг жиноятлари бу блан тугамайди. Биз, унинг қалбаки ҳужжатлар тузиш йўли блан 453 минг 994 сўмни ўз шериклари блан ҳалм этганини, 21 минггa пишиқ ғиштдан 8.484 сўм, 1.750 килограмм мевадан 13.715 сўм манфаатдор бўлганини ва ниҳоят, колхозга ҳеч алоқаси бўлмаган Отахон Иброҳимов деган чайқовчига 10 минг сўм нақд пулни бериб юборганлигини айтсак, қатма-қат далолатларда ёзиб қўйилган жиноий ишларнинг бир қисмининигина баён этаолган бўламиз.

Қишлоқ хўжалик артели Уставига хиёнат қилган, зараркунандаларни ўз паноҳи остига олиб, колхоз мулкини талаган Аҳмедовни Тошкент область партия комитети ўтган йил октябрь ойида ВКП(б) сафидан ўчирди ва уни ҳамда бошқа айбдорларни жиноий жавобгарликка тортишни область прокурорига топширди. Тергов натижасида фельетонда кўрсатилган фактлар тўла исбот қилинди. Аҳмедов ва талончи шерикларининг жиноий иши область судига топширилди. Бу иш область судида 4 ой кўрилмай ётди.

Орадан бирнеча ой ўтгач, шу йилнинг 15 февралида Аҳмедов ва шерикларининг иши очиқ суд мажлисида кўрилди. Ба'зи «мулоҳаза»ларга бориб, жиноятчиларнинг юзларига тик қарай олмаган суд раисининг яна эски найрангбозлик дарси қаттиқ қўзғоди. Суднинг биринчи мажлисидаёқ масаланинг қайси томонга йўналиши очиқ сезилиб қолди. Жиноятчиларнинг кирдикорларини равшан кўрсатадиган ҳужжатлар суд раиси томонидан тўғри таҳлил этилди дейсизми? Йўқ, албатта. Социалистик қонунга, адолатли суд принципларига хилоф равишда иш кўрган ўртоқ Абдуллаев яна бир турқум жиноятчиларни ҳеч тап тортмай оқлаб юбориш учун жон-жаҳди блан урунди. Бир ойдан кўпроқ давом этган суд қандай натижа берди?

Сохта иборалар блан тўлган суд ҳукмида коллектив хўжаликнинг юз минг сўмлаб маблағлари жиноятчилар гардонидан осонлик блан олиб ташланди. Колхоз мол-мулкини талаган ўғриларни оқлаш учун баҳоналар ҳам топилиб қолди. Суд раиси ширакайф ҳолда ҳукмни ўқиганда, виждонли кишилар ажабландилар, тўғриси газабландилар. Жиноятчилар оқлаб юборилди. Суд раисининг янги найрангги, иситма аралаш алаҳлаши шу блан тугади, унинг кўнгли тинчланди.

Аммо жамоатчилик ўртоқ Абдуллаевнинг бу ҳатти-ҳаракатидан, найрангбозлигидан қаттиқ газабда. Область судининг раиси ўртоқ Абдуллаевнинг тегишли ташкилотлар томонидан «шифоланиши», жиноятчиларнинг эса, адолатли совет қонуни асосида жавобгарликка тортилишига ҳамманинг ишончи комил.

Х. ЕДГОРОВ.
Ш. КУЗАНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27 мартда **концерт**, 28 мартда кундуз **Коппелия**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26 мартда кундуз **Майсаранинг иши**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Полк ўғли** (янги нусхаси), кечқурун **Фақир студент**, 27 мартдан кундуз **Ўнбеш ёшли капитан**.

«РОДИНА» — кундуз **Ҳаётфурушлар**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра** (рус тилида).

«НАВОИЙ» **Ҳинд мақбараси** (2-нчи серия), 27 мартдан кундуз **Гўзал Василиса**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қадимги водевиль**, 27 мартдан кундуз **Чўртан балиқнинг амри блан**.

«ИСКРА»—**Цирк артистлари**, 27 мартдан кундуз **Пўлат қандай тобланди**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун рангдор фильм **Берлининг таслим бўлиши** (2-нчи серия), 27 мартдан кундуз **Дубровский**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — 27 мартдан кундуз **Полк ўғли**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—янги келган артистларнинг иштироки блан катта **цирк тамошалари ва классик курашлар**. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, композитор

Р. М. ГЛИЭРНИНГ

туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати блан

ИККИ ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛИ

қўйилади.

26 мартда кундуз

Р. М. Глиэр музикаси

ҚИЗИЛ ГУЛ

3 пардали балет.

Дирижёр — автор.

Спектаклда Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Галия Измайлова** қатнашади.

26 мартда кечқурун

Р. М. Глиэр ва **Содиқовлар** музикаси

ГУЛСАРА

4 парда, 5 кўринишли опера

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Нашр. № 1328. Р. 00873.